

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Ўзбекистон

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№112 — 113

(2532 — 2533)

1992 йил

16 ДЕКАБРЬ

ЧОРШАНБА

НАРХИ 4 СЎМ

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ
ҚИЗГИН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

ИШИМИЗ ДАСТУРИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Олий Кенгашининг XI сессияси томонидан давлатимизнинг Конституцияси қабул қилинган кун Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси шахсий таркиби номидан Республика Президенти, Олий Кенгаши раиси номига телеграмма юборилди. Унда вилоятдаги барча осойишталик посбонлари мустақил мамлакатимизнинг Асосий Қонунини мамнуният билан қутиб олганлари ва бундан буён мазкур Конституцияга амал қилган ҳолда она юрт осойишталигини таъминлаш, давлатимиз равнақиға равнақ қўшишга астойдил бел боғланларини таъкидлашган.

— Янги Қомусимиз лойиҳасининг муҳокамаси икки ойдан ортиқ давр мобайнида кенг жамоатчилик томонидан муҳокама қилинди, — дейди вилоят ички ишлар бошқармаси тергов бўлими бошлигининг муовини, милиция

майори, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Жумақўзи Қозихўжаев. — Бу сессия тадбирда барча сингари биз қонуншунослар ҳам ўз фикр ва мулоҳазаларимизни баён этдик.

Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд давлатнинг учта асосий таянчидир. Давлатнинг ана шу асосий таянчи ҳақидаги қондалар шубҳасиз бундан кейинги ишларимизда ердан беради. Мамлакатнинг ривожланиши ҳам шунда деб биламан.

Конституциянинг қабул қилиниши сиёсий, ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга молик ҳужжат бўлди. Ўзбекистон деб аталмиш икки дарё оралиғидаги ҳур давлат барпо этилганини энди барча мамлакатлар унинг шу Қомуси бўйича ҳам баҳолашлари турган гап.

М. КИМСАНБОВЕВ,
Фарғона вилояти ИИБ
бўлима бошлиғи,
милиция майори.

Қомусимизни эъзозлайлик

БИР ПАЙТЛАР америкаликларнинг асрлар мобайнида ўзгармаган конституцияси ҳақида эшитиб, ҳавасим келганди. Тўғрида, ҳар йигирма йилда бир ўзгариб турадигани қайда-ю, икки юз йиллаб собит тургани қаяқда.

Ҳўш, Ўзбекистон аҳли қабул қилган Конституция йигирма йилликми эки асрий?

Шахсан мен Бош Қонунимизни шак-шубҳасиз кейинги сирага киритаман. Унинг лойиҳаси халқ муҳокамасига ташланган кунданок, ўзбекистонликман деган ҳар бир

инсонни бефарқ қолдирмади. Етук мутахассисларнинг чигириндан ўтди. Минглаб таклифлар киритилди ва инobatга олинди.

Эндиликда Қомусимиз ўзининг олижаноб гоёлари билан халқимизга тўлиқ хизмат қиладими-йўқми, ҳаммаси ўзимизга боғлиқ. Шунинг учун ҳам мана шу бизнинг Конституциямиз, деб тан олдикми, уни ҳурмат қилишимиз, эъзозлашимиз, унга ихлос қўйишимиз керак.

С. ЖЎРАЕВ,
милиция старшинаси.

Бугунги
сонда:

**"Комплекс" тадбири
яқунларига доир
мақолалар, шу-
нингдек:**

2-бет

**Ҳар кимнинг ўз юму-
ши бор**

3-бет

Уч қотиллик

4-5-бетлар

**Қандай қилиб
сигаретнинг изига
тушдик
Фалокат оёқ остида**

6-бет

Бокира дайди

7-бет

Зангори экранда

8-бет

Ҳар тўғрида

**танишишингиз
мумкин.**

ОПЕРАТИВ ВАЗИЯТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА

Тасдиқланган режага мувофиқ 20 ноябрдан 10 декабрга қадар Тошкентда "Комплекс" шартли номи остида олдини олиш-профилактика тадбири ўтказилди. Ундан кўзланган бош мақсад пойтахт ва Тошкент вилоятида оператив вазиятни барқарорлаштириш, жамоат тартибини юксак даражада муҳофаза қилишдан иборат эди. Бу вазифаларни бажаришга район бошқармалари ва бўлимлари, ИИБ ва ИИВнинг турли хизматларидан 2500 нафардан ортиқ ходим, 150 га яқин хизмат ва махсус автомобил транспорти жалб этилди.

...Қалбакилик белгилари бўлган 1000 сўмлик пулни "Болалар дунёси" дўкони ёнида алмаштиришга ҳаракат қилаётганида Ҳаким А. исмли шахс ИЖК ходимлари томонидан қўлга олинди. Пул экспертизага юборилди.

...Икки номаълум шахс "Дельта-Зет" ширкати тижорат бўлимининг бошлиғи Шавкат Х.ни алдаб, аэропортдан машинада олиб кетадилар ва йўлда елгондакам тўппонча билан кўрқитиб, 80000 сўм талаб қиладилар.

Босқинчилардан бири қўлга олинди, унинг ёнидан пулларнинг бир қисми чиқди.

...Икки номаълум қимса Носир кўчасидаги бинолардан бирининг ертўласида жисмоний куч ишлатиб, Алфия С.ни

зўрлаган. "Излар" босилмасдан" кўрилган чоралар натижасида бу жиноятда гумон қилинаётган, ҳеч қаерда ишламайдиган Евгений Г. билан Баҳодир М. қўлга олинди.

...Чилонзор мавзеининг 24-даҳасида кечки пайт Михаил Л. бошқариб бораётган такси машинаси текширилганда Макаров тўппончаси билан унинг саккизта ўқи топилди.

Кўчалар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, бозорлар ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва қонунбузарликларга қарши кураш кучайтирилди. Ички-ликбозликка қарши қонунларни бузганлари учун 6080 киши жавобгарликка тортилди, улардан 1938 нафари тиббий хушёрхоналарга келтирилди. Бундан ташқари, дайдиликда шубҳа қилинган 1229 киши ушланиб, улардан 667 нафари қабул қилиш-тақсимлаш муассасига жойлаштирилди.

59976 автотранспорт текширилиб, турли қонунбузарликлар учун 15000 киши, шу жумладан автомашинани маст ҳолда ҳайдаган 350 ҳайдовчи қўлга тушди.

Қонунбузарликларнинг олдини олишни кучайтириш тадбирлари кўрилди. 137 та бузуқхонани текшириш юзасидан ўтказилган рейдлар давомида 2700 киши, шу жумладан ўғрилик ва босқинчиликда

шубҳаланилаётган 30 дан ортиқ шахс, 40 нафардан кўпроқ гиёҳванд, 224 енгилөөк аёл ва бошқалар қўлга олинди.

...Бундан бир неча кун аввал Чирчиқ дарёсининг Сирғали районидаги қирғогидан топилган куйиб кетган эркак кишининг шахси аниқланди. У "Кона" фирмасининг ишчиси, вильнюслик Игорь С. экан. Қотиллик қилишда шубҳа қилинаётган тошкентлик ва илгари судланган шахслар — Марат Б. билан Олег Б. ҳамда ҳарбий қисмлардан бирининг ҳайдовчиси Валерий О. ҳибсга олинди. Қотиллик биргаликда спиртли ичимлик истеъмол қилингандан сўнг орада чиққан жанжал оқибатида рўй берган.

...Миробод район ИИБ ходимлари Оқтепа мавзеида истиқомат қилувчи Муҳаббат С.нинг уйига қилинган босқин қатнашчиларидан бирини ушладилар. Босқинчилар пичоқ билан кўрқитиб 800000 сўм пул олиб кетган эдилар. Тергов давом этмоқда.

...Ҳамза районидаги Строительная кўчасидаги биноларнинг ертўлаларини текшириш бўйича ўтказилган оператив тадбир пайтида уларнинг бирида хорижда ишланган пневматик тўппонча ва "Наган" системали револьвер топилди. Уларнинг эгаси ҳозирча аниқлангани йўқ.

(Давоми 2-бетда).

ЧОРШАНБАДАН
ЧОРШАНБАГАЧА

МУОЛАЖА ЁРДАМ БЕРМАДИ

СИРДАРЁ район шифохонасига шошилич равишда "Медик" давлат хўжалигида ишловчи Н. Х. билан Р. У. оғир аҳволда келтирилди. Улар оғир тан жароҳати олишган эди. Шифокорлар муолажаси фойда бермади. Уларнинг умрига қасд қилган М. А. қўлга олинди.

ҚУРОЛЛИ ТАҲДИД

УЧ НОМАЪЛУМ шахс Ҳамза районидаги Кадишев кўчасида жойлашган 38-дўкон соқчиси К. Р.га дўк-пўписа қилиб, дўконга қарашли 480000 сўм пулни олиб кетишди.

Изқуварларнинг меҳнати бесамар бўлмади. Босқинчилар ўша куннеқ қўлга тушди.

ҲИСОБХОНАДАГИ ЎҒРИЛИК

БЕКОБОД районидаги Навоий жамоа хўжалигида жойлашган қишлоқ кенгаши биноси деворини бузиб кирган номаълум шахслар ҳисобхонадаги темир сандиқ ичидан қатор ҳужжатлар билан бирга 13500 сўм пулни ўғирлаб кетишди. Жиноятчиларни ушлаш чоралари кўриляпти.

ТИЖОРАТЧИНИНГ МИСИ ЧИҚДИ

ТЕРМИЗ шаҳрида ўтказилган оператив тадбир пайтида "Ўзбекавгон" қўшма тижорат дўкони сотувчиси, 1966 йилда туғилган А.Н.нинг хонадонидан 116 та гугурт қутига жойланган нашага ўхшаш гиёҳванд модда топилди. Тижоратчи ҳибсга олинди.

СУРИШТИРУВ БОШЛАНДИ

КАТТАҚЎРҒОН шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари навбатдаги оператив тадбир ўтказишди. Тадбир пайтида Ингичка кўрғонида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган А.Э.нинг уйидан ички ишлар бўлимида рўйхатдан ўтмаган Т03-8 12319-рақамли ов милтиғи, 14 дона ўқ, 4 дона аммонит шашкаси, битта қилич, уч дона ўқи билан газли тўппонча, кечаси қўлланадиган "Циклон" кимёвий қуроли, резинка ёғоч, совуқ қурол, 40 дона 16 калибмли, 43 дона 12 калибмли ўқ топилди.

А.Э. ҳибсга олинди. Суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

ТАФСИЛОТЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА

Жалолқудук районидаги Ҳақиқат жамоа хўжалигида яшовчи Б.Т. ҳовлисига кирган М.Н. билан жанжаллашиб қолди. Натижада М.Н. пичоқ зарбидан тил тортмай ўлди. Жанжал тафсилотлари ўрганилмоқда.

ЖИНОЯТЧИ УШЛАНДИ

АНГРЕН "Ғишт" корхонаси ишчиси Ш.Х. автомашиналарни таъмирловчи кичик корхона раиси Х.Р. билан гап таллашиб қолди ва ёнидан "Наган" тўппончасини чиқариб Х.Р.га қарата уч марта ўқ узди. Натижада Х.Р. оғир яраланиб, шифохонага ётқизилди. Жиноятчи ушланди.

ЖАБРАНУВЧИЛАР ШИФОХОНАДА

ЧИНОЗ район матлубот жамияти раиси У.М. ва унинг умр йўлдоши М.М.ларнинг ҳаётига А.Навоий жамоа хўжалиги ишчиси И.Н. зомин бўлишига сал қолди. Жабранувчилар шифохонага, И.Н. ҳибсхонага олиб кетилди.

УЙДАГИ СНАРЯДЛАР

ФАРҒОНА шаҳрида ўтказилган оператив тадбир пайтида Темирийўлчилар кўчасида яшовчи, 16-хунар-техника билим юрти талабаси С.Х.нинг уйидан 29 дона йирик калибмли жанговар снаряд топилди. Унинг ён қўшниси М.М. эса хонадонидан шундай снарядлардан 51 донасини яшириб қўйган экан. Снарядлар бу хонадонларга қандай келиб қолгани тергов пайтида маълум бўлади.

ЎЗИНИ ОСИБ ҚЎЙДИ

ҚИЗИЛТЕПА районидаги Навоий жамоа хўжалигида яшовчи, фахрийлар дўкони мудираси Д.Б. уйда ўзини ўзи осиб қўйди. Суйқасд сабаблари аниқланмоқда.

БОСҚИНЧИЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

ХЎЖАБОД шаҳридаги Ленин кўчасида истиқомат қилувчи нафақахўр У.Б.нинг уйига тунда тўрт нафар номаълум шахс бостириб кирди. Босқинчилар хонадон эгасини қирқма милтиқ билан кўрқитиб, гилам ва бошқа уй-рўзгор буюмларини олиб кетишди.

Вақтида кўрилган чора-тадбир ўз самарасини берди. Илгари босқинчилик учун жазо муддатини ўтаган Р.К. ва ҳеч қаерда ишламайдиган Ш. Ш., А.И.лар ҳибсга олинди.

ҚЎЙ ЎҒРИЛАРИ

ПАХТАЧИ районидаги Карнаб давлат хўжалиги яйловидан номаълум шахслар тунда "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги аъзоси Н.А.нинг 57 бош қўйини ўмариб кетишди. Қўй ўғрилари изланмоқда.

ШАХСИ АНИҚЛАНДИ

ҚЎҚОН шаҳридаги "Большевик" заводи қошидаги "Сюрприз" ширкати цех бошлиғи М.М.нинг ҳузурига икки номаълум шахс кириб, тўппонча билан кўрқитдилар ва ширкатга қарашли 5000 килограмм спиртни тортиб олиб, давлат белгиси бўлмаган автомашинига ортиб кетишди. Қароқчилар шахси аниқланди. Бугун-эрта уларнинг қўлига кишан тушишига шак-шубҳа йўқ.

Т. МУРОДОВ.



Об-ҳаво қийинчиликларига қарамай бу йил Бухоро вилоятида пахтадан мўл ҳосил олинди. Эндиги вазифа ташинш пайтида "оқ олтин"ни нобуд қилмасликдир. Ромитан райони ИИБ участка вакили, милиция капитани Мурод Холов буни қатъий кузатиб бормоқда.

Сураткаш Е. ЗУЕВ.

«КОМПЛЕКС» шартли номи остида

ОПЕРАТИВ ВАЗИЯТНИ
БАРҚАРОРЛАШТИРИШ
МАҚСАДИДА

...Евгений Кни ўлдиришда ва ўйнаши Валентина Гага оғир тан жароҳати етказишда шубҳаланиётган 50-махсус техника билим юртининг ходими Олим А. Юнусовд мавзеида ҳибсга олинди. Жиноятнинг боиси рашк деб гумон қилинмоқда.

Илгари судланган ва кейинги уч йил мобайнида қамоқдан бўшаб келган деярли ҳар бир киши текширилди.

Жиноят қилишга мойиллиги бор 500 дан ортиқ ўсмир ҳисобга олинди.

Тадбирни ўтказиш давомида ҳаммаси бўлиб, илгари судланган 10000 шахс, турмуш қонун-қоидаларини бузувчилардан 4000 киши ва 4800 дан ортиқ балогатта етмаганлар текширувдан ўтказилди. Улар томонидан қонун бузилишига йўл қўймаслик мақсадида ички ишлар идоралари 5594 та расмий огоҳлантириш қилдилар.

...Ольга А.нинг аризасига биноан ундан 140000 сўм таъма қилган кичик тижорат корхонасининг директори Юрий В. милиция ходимлари томонидан «Қозогистон» кинотеатри яқинида ушланди.

...Ҳеч қаерда ишламайдиган

Ортиқ А. икки шериги билан Чорсу даҳасидаги «Спорт моллари» дўкони ёнида кеч соат олтиларда бишкеклик Ш. Ушурованинг сумкасини юлиб қочишган. Сумкада 1 миллион сўм нақд пул ва умумий баҳоси 1 миллион сўм турадиган тўртта заргарлик буюми бор экан. Ортиқ А. ушланди, шериклари қидирилмоқда.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш ва аниқлашга алоҳида эътибор берилди. Тадбир ўтказилган даврда ҳаммаси бўлиб 245 та шундай жиноят, шу жумладан 63 та ўғрилик, 100 дан ортиқ чайқовчилик ва 73 та савдо қоидаларини бузиш ҳоллари аниқланди.

Жиноятчилик динамикаси ва таркибида ижобий ўзгаришларга эришилди. «Босилмаган излар» бўйича жиноятларни очиш аҳволи яхшиланди. Шу даврда рўйхатга олинган 992 та жиноятдан 774 таси ёки 78 фоизи очилди.

«Комплекс» тадбирини ўтказиш давомида ички ишлар идоралари ва бўлинмаларининг кўплаб ходимлари шахсий ташаббус ва юксак касб маҳоратини намоён қилдилар.

БАЛОҒАТГА етмаганлар билан ишлаш назорати участка вакиллари ва нозирлари «Комплекс» операцияси тадбирларида фаол иштирок этдилар. Бу тушунарли. Зеро улар аҳолига энг яқин турадиган милиция ходимлари табақасига кирдилар. Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилишга доир турли масалалар билан фуқаролар

келтирилиб, қабул қилиш-тақсимлаш муассасасига жойлаштирилди. Энди уларга ҳужжат олиш, турар жой ва ишга жойлашишда ёрдам берилади.

Тадбир «Комплекс» деб номланганлиги бежиз эмас, зеро уни ўтказиш пайтида фақат жиноят юз бериши мумкин бўлган жойларнигина эмас, шу-

лиция бўлимига келтирилган бу шахслар хонадонга ўғирликка тушганларини тан олдилар.

Бундан бир неча кун аввал Тошкент вилояти Бўстонлиқ районида яшовчи биринчи гуруҳ ногиронининг уйида ўғирлик содир бўлди. Тун қоронғусида ўғри телевизор, бошқа қимматли буюмларни олиб кетган.

Катта участка вакили, милиция капитани Собит Танибердиев кеча-кундуз давомида тиним билмади. Бор билимини ишга солган участка вакили ўғрини аниқлаб, қўлга олди ва буюмларни эгасига қайтарди.

30 ноябрь соат 19 ларга яқин Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимининг участка вакили, милиция капитани Отабек Қурбонов ғалати бир аёлга эътибор бериб қолди: новча, елкалари кенг, қадам олиши кескин, асосийси қўллари аёл кишиникига ўхшамасди. Ғалати аёлнинг изидан тушган милиция участка вакили уни навбатдаги жиноятни амалга ошираман деган пайтда қўлга олди. Кейин маълум бўлишича, Ю. Тоҳир исмли бу шахс уч марта номусга тажовуз қилишга ултурган экан.

И. ПРИМҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
профилактика хизмати бўлим
бошлиғи,
милиция подполковниги.

АВВАЛ УЛАРГА
МУРОЖААТ
ҚИЛИШАДИ

кўпинча дастлаб уларга мурожаат қилишади.

Фақат ноябрь ойининг охири ва декабрнинг бошларида улар томонидан 192 та жиноят очилди, жиноят қилганликда шубҳаланаётган ва қидирувда бўлган 32 шахс ушланди, ноқонуний сақланаётган 209 дон қурол тортиб олинди.

Улар томонидан шунингдек, турли ҳуқуқбузарликлар, асосан ичкиликбозлик, безорилик, паспорт режими бузилганлиги учун 9,5 мингдан ортиқ маъмурий баённомалар тузилди. Милиция идораларига дайилиқда гумон қилинаётган 125 нафар киши

нингдек илгарилари қонунга қарши иш қилган кишиларга ҳам катта эътибор берилди. Шу давр ичида қонунни бузишга мойиллиги бор 752 шахс аниқланиб, ҳисобга қўйилди.

Шахсий жасорат ва касб маҳоратини намоён этган ходимларни кўрсатиб ўтмасдан илож йўқ.

Фаргона шаҳар милиция бўлимининг участка вакили Иномжон Эшонқулов Ойбек мавзеида патруллик қилаётганида шубҳали кўринган уч йигитга эътибор берди. Рация орқали чақирилган оператив гуруҳ ёрдамида қўлга олиниб, шаҳар ми-



ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ЮМУШИ БОР

— Эътибор бердингми, кечкурунлари шаҳарда милиция кўпайиб қолгандай. Балки, кимнидир кутиб олишгаётгандир?

— Унчалик кўп эмас, одатдагидай. Лекин бизнинг маҳаллада участка вакили негадир уйма-уй юриб, одамларни рўйхатга олаётир. Ҳолбуки, ҳаммаёқ осойиштадек.

Мана шу декабрь кунларидан бирида одам тўла автобуста ёшлари ўтиб қолган икки аёл ўртасидаги суҳбатда шу гаплар қулоғимга чалинди. Ҳа, қарияларимизнинг эътиборларидан ҳеч нарса четда қолмайди.

Лекин «Комплекс» шартли номи остида ўтказилган кенг қўламли олдини олиш-профилактика операцияси доирасидаги тадбирлар икки миллиондан ортиқ киши яшайдиган Тошкент аҳолисининг кўпчилиги кўзига унчалик ташланмаганлиги аниқ. Дарвоқе, мақсад ҳам шундай эди. Ҳамма ўз юмушлари билан банд бўлиши керак. Шу сабабли ҳам ички ишлар идоралари ходимларига

бу тадбирга ортиқча эътиборни жалб этиш зарур эмас эди.

Ваҳоланки, юзлаб очилган жиноятлар, қўлга олинган жиноятчилар, шунингдек қидирувда бўлган кишиларнинг ушланиши бу ишнинг натижаларидан далолат бериб турибди. Ички ишлар идораларининг ҳисобида турган шахслар, нобоп оилаларда яшовчи ўсмирлар ҳам эътибордан четда қолмади. Паспорт режимини текшириш, турли объектларда ёнғиндан муҳофаза қилиш аҳволини текшириш, йўллардаги кучайтирилган ДАН нарядлари — буларнинг ҳаммаси шу кунларда шаҳар ва вилоятда тегишли ҳуқуқ-тартибот ўрнатилишини таъминлашга қаратилган қатъий тадбирларнинг таркибий қисми бўлди.

Суратларда: (тепадан чапдан ўнгга) разводлар ҳар кун шаҳар ИИБ ДАНБ биноси олдида ўтказилди. Бу сафар уни Тошкент ИИБ штаббининг бошлиғи милиция полковниги А. Сутюшев ўтказди. Гап бир кеча-кундузда шаҳарда юзага келган

оператив вазият ҳақида бормоқда, патрул машиналарининг катталарига охириги кўрсатмалар берилмоқда; моторлар қизитилган, экипажлар ўз ўринларида — йўлга чиқилса ҳам бўлаверди; милиция катта лейтенанти В. Иванов шаҳар ИИБ навбатчилик қисми пультада, тадбирларни ўтказишда кўп нарса унинг касб маҳоратига боғлиқ; мана, биринчи ушланганлар ҳам келтирилди. Бектемир райони ИИБнинг терговчиси, милиция лейтенанти Э. Ким гиёҳванд модда сақлашда шубҳа қилинаётган кишини сўроқ қилмоқда; шаҳар ИИБдан шу кунги масъул навбатчи, жамоат тартибини муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги С. Эшонов навбатчи нарядлар ва автопатрулларнинг ишнинг рация орқали бошқариб бормоқда; Ҳамза райони ИИБ участка вакили, милиция лейтенанти Р. Ўсаров, ДАН назоратчиси, милиция кичик сержанти Д. Осмонов ва кинолог Э. Ёрматов тўхтатишган машинани кўздан кечиришмоқда.

Суратқаш Ҳ. ШОДИЕВ.



ШЕРМАМАТ Бўстоновнинг милицияга ишга кириши қизиқ бўлган.

ўтмасдан чин орзуга айланди. Шу тариқа Шермамаат Бўстонов 1971 йил-

Касбига содиқ

Янги хизматдан келган вақтлари эди. Келишган, келбатли. Бир кун уч-тўрт ўртоқлари билан шаҳарда юрганида бир милиция формасидаги киши: “Йигитлар милицияга кирмайсизларми?” — деб қолди. Милиционернинг устидаги ярқираб турган кийими ўша вақтда Шермамаатни енгилгина энтктириб қўйди. Ҳис-туйғулар ҳеч қанча вақт

нинг бошларида милиция кийимида ўз хизмат фаолиятини бошлади.

Қўриқлаш бўлимидаги хизмат бурчини ўташда ўзидан катта ва милиция ишига кўп йиллар меҳнати-синган кишиларнинг маслаҳатларига кулоқ солди, берган насиҳатларини доимо эсда тутди. У тез орада кўзга ташланди. Сергайратлиги, ўз ишига астойдил ёндошишини кўрган шаҳар

ички ишлар бўлими раҳбарияти 1974 йили уни Фарғона шаҳар тиббий хушёрхонасига милиционер-ҳайдовчи қилиб ўтказди.

Шермамаат бу вазифада ҳам сидқидилдан ишлаб, тезда янги жамоа орасида ўз ўрнини топиб олди.

— Шаҳар кўчаларини мастлардан тозалашда, сўнгра уларнинг ўз оилаларига етиб олишида тиббий хушёрхоналарнинг роли катта, — дейди милиция старшинаси Шермамаат Бўстонов. — Тиббий хушёрхонага турли тоифадаги фуқаролар келиб туради. Мастликда нималар дейишмайди. Ҳақоратлашлар ҳам эшитасан баъзан.

Лекин вазифанг шу бўлгандан сўнг, сабр-қаноат қилиш ҳам шарт.

Ш. Бўстонов хизмат даврида кўплаб жиноятчиларга дуч келган. У шундай эслайди:

— А. Навоий кўчасидаги “Мархабо” ресторани олдидаги милиция бўлимидан чақириқ бўлди. Биз бу ерга етиб борганимиздан сўнг экипаж аъзолари участка вакили олдига кириб-кетишди. Мен машинада қолдим. Шу вақт енимга бир нотаниш фуқаро югуриб келиб, тўрт киши унинг “Москвич” машинасини олиб кетаётганлигини айтиб қолди. Рация орқали ички ишлар бўлими билан боғланиб, уларни воқеадан воқиф эт-

дим. Ўзим жабрланувчи билан биргаликда жиноятчилар томон шовилдик. Вақтида етиб келган тезкор гуруҳ ходимлари жиноятчиларни қўлга олиб, ички ишлар бўлимига олиб кетишди.

Қарийб 21 йилдан ортиқ ҳаётини эл осойишталигини қўриқлашдек шарафли ишга сарф этган милиция старшинаси Шермамаат Бўстонов ҳозирги кунда ҳам бўлинма командирлиги вазифасини аъло даражада бажариб келмоқда.

Саминжон ҚОРАБОЕВ,
Фарғона вилояти ИИБ матбуот
гуруҳи ходими, милиция
лейтенанти.

ОПЕРАТИВ гуруҳ аъзолари ҳар галдагидек ўз вазифаларини бажаришга киришдилар. Турли кутилмаган чақириқларга тайёр туришдан ташқари кундалик топшириқ ва хизмат юмушларини ҳам баравар торттишарди. Кун бўйи бир неча марта енгил-елпи чақириқлар бўлди, холос. Оқшом ҳам ҳар қачонгидан ўзгарақ осудаликда чўкди. Ҳаммаёқда тинчлик. Бўлим навбатчиси А. Топканов мабодо телефон бузилиб қолмаганмикан дея дам-бадам трубкани кўтариб текшириб кўрар эди. Сув куйгандек жимжитлик.

Аммо “тун ҳомиладор, туннинг турмоғи бор”, деганларидек тинчланишга асос йўқ эди. Барчанинг кўнглида бир фикр: “Ишқилиб тун хайрли бўлсин-да”. Негадир юраклар безовталанаверади.

Соат тунги 12 ларга яқинлашмоқда. Навбатчи ёрдамчиси Н. Тожибоевга юзланди.



берганди. Оператив гуруҳ нафас ростлашга улгурмай, бу тундаги учинчи оғир жиноят рўй берган жой сари кетди. ИИБ бошлиғи С. Темиров, район прокурори Р. Хўжаев, унинг ёрдамчилари Н. Мингбоев, А. Абдумажитовлар ҳам оператив гуруҳ билан бирга эди.

Марҳумнинг афт-башараси шу даражада уриб пачоқланган эдики, ҳатто отаси ҳам ўглини таний олмади. Рафиқаси чақиртирилди. Хотини дод солганча ўзини ўликнинг устига ташлади.

Етти соат ичида уч оғир жиноятнинг юз бериши даҳшатли ҳол эди. Бундай воқеа район тарихида сира бўлмаганди.

Туни билан мижжа қоқмаган ходимлар тиним билмай ишлашар, ҳеч ким иш вақтим тугади, қанча ишлаш мумкин, демасди. Диққат-эътибор бир нарсга — жиноятчиларни топишга қаратилганди.

Кўрилган чоралар натижа бериб, бирин-кетин қотиллар келтирила бошланди. Соат кундузи бешда барча қотиллар ИИБда эдилар.

Энди уларнинг нима учун бунга қўл уриш сабабларини маълум қилас.

...В. Ю. шולי ҳосилини ўриб олгач, ерни ҳайдатиш учун анчадан бери таниш тракторчи Аҳмат Вагаповни ёллади. Ҳайдашни бошлаган Аҳмат кечга яқин ишни тугаллай деб қолганида В. Ю. егулик ул-бул кўтариб келди. Орасида бир шиша ароқ ҳам бор эди. Иккиси ўтириб тамадди қилишди. Кайфлари ошиб қолгач, ўртада гап қочди. Ҳар бири ўзини шер билиб, бир-бирларига ташланишди. В. Ю. нон кесган пичоғини олиб, Аҳматнинг бўйнига урди. Тракторчи шу заҳотиёқ тил тортмай ўлди.

...Қўшнисиникига тўйга чиққан Фуркат тенгдошлари билан дастурхон атрофида ўтириб гурунглашарди. Ҳар дамда столга тортилаётган ароқдан бенасиб қолмасдилар. Ичлари қизиган йигитларнинг гурунги аёлларга бориб тақалди. У унинг хотинини, бу бунинг хотинини бевафолликда, хиёнатда айблади. Орани очик қилиш учун уч-тўрт йигит тўйхона четига ўтишди. Орани очик қилиш муштлашувга айланди. Калтаклар зарбидан ҳушини йўқотган Фуркатни дарахтга осиб қарор қилишди. Ваҳшийлик шу даражада етдики, кимдир югуриб бориб, қоронгуликда сим топиб келди. Биргалишиб ҳали совумаган жасаднинг бўйнидан боғлаб, кўтаришди...

...Муқаддам судланган М. К. собиқ ҳамтовоғи А.ни учратиб, ҳасратлашадиган бўлди. Биргаликда “зонада” ўтирган “олтин вақтларини” эслаб, у ёқдагиларга сабр тилаб қадахларга қуйдилар. Яна кўп бошқа нарсалар учун ҳам ичишди. Охири эски қарзлари ёдларига тушиб қолди. Бир-бирининг ёқасига чанг солишиб, бўғизлашга ўтдилар. М. К. жисмонан бақувватлиги, чиниққани туфайли қурбонини обдон калтаклади. Сўнгра юзини таниб бўлмас даражада бузишга киришди...

Мазкур жиноятларни бир неча соатда очишда ЖКБ ходимлари — милиция капитани Т. Жўраев, катта оператив ходим, милиция капитани Р. Фозилов, катта лейтенант С. Бойбўтаев, ИЖК оператив вакили, милиция капитани Ў. Мирзалиев, участка вакили, милиция капитани А. Қурбонов, катта участка вакили, милиция капитани С. Камолов, участка вакили, милиция катта лейтенанти А. Умрзоқов, навбатчи катта инспектор, милиция капитани А. Топканов, ёрдамчи, милиция старшинаси Н. Тожибоев, милиционер-ҳайдовчи, милиция старшинаси Н. Шамсиев, ППХ ходимлари, милиция сержантлари Е. Маширов ва Ҳ. Раҳимбердиевларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу жумладан, ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги С. Темировнинг аниқ, пухта йўриқларини, барча тадбирларнинг бошида турганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир.

Ҳадемай тергов ҳам ниҳояланди иш судга оширилади. Ҳар кимга ўз улуши тегишига шубҳа йўқ. Бироқ ушбу мақолага нуқта қўйишдан олдин жиноятларни келтириб чиқарган сабабларга тўхталасак. Ҳар уч қотиллик ичкилик оқибатида рўй берган. Ҳаммаси ўртадаги суяксиз тилининг айби билан. Ўйламай гапиришнинг натижасидан. Лекин нима учун пичоқ, мушт ишга тушган? Нега кимнинг-дир ваҳшийларча ўлдирилиши билан ора очик қилиниши керак? Нега одам ўлдириш шунчалар осон? Умрида товуқ сўймаган кимса кўзи кўзига тушиб юрган танишининг бўзига пичоқ тортиб юбораверса... Устига-устак “ичволгадим, билмай қолдим, кечирингла”, — деб безрайиб тураверса. Бу ички йиртқиқлик, қонхўрлик, шафқатсизлик қаёқдан экан-а?

М. ИБРОҲИМОВА,

Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ райони.

Таҳдид қилишибди

ДУНЁНИНГ иши қизиқда. Ҳали сут тиши тўкилмаган ўспиринлар қуюшқондан чиқиб, бангигаёл билан бир эшакка юк бўларли пул талаб қилсалар, “астафурulloҳ!” — дея ияк ташлашнинг турган гап.

Шахрисабз шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар халқ маорифи ноиб Зариф Қўзиев шаҳар ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилиб, номаълум шахслар уйига хат қолдирганлигини билдирди. Хат бошдан-оёқ дўқ-пўписа билан битилган. Шарт бўйича 3. Қўзиев 100 минг сўм пул тўламаса, фарзандини ўлим кутади. 3. Қўзиев ғазабланиб, айнаи дамда хавотирланди ҳам. Шунинг учун ҳеч иккиланмай осойишталик қўриқчиларига мурожаат қилди.

Шу йилнинг 30 ноябрь-куни Шахрисабз шаҳар ички ишлар бўлими ва миллий хавфсизлик қўмитаси ўзаро ҳамкорликда оператив қидирув тадбирини ўтказдилар, ва таъмагирларни “Ҳужум” фабрикаси қарши-сидаги ахлат ташландиқлари уюми ёнида қўлга олдилар.

Ажабо, улар от эгарига тўғри ўрнашиб ўтира олмайдиган уч ўспирин экан. Марҳамат, танишинингиз мумкин: шаҳардаги Собир Раҳимов номли мактабнинг 11-синф ўқувчилари Жаҳонгир Фозилов, Нодир Бозоров ва 3-хунар-техника билим юрти ўқувчиси Қахрамон Фозилов.

Ҳали ўн олтига тўлмаган

ўсмирларнинг дўқ-пўписали номаси оғиздаги ел билан Эйфел минорини йиқитарли шаштда битилган. Улар бунчалик қуюшқондан чиқишни кимдан ўрганишдийкин? Мактаб педагогика жамоаси, ота-оналари таъмагирликдан сабоқ бермаган бўлсалар керак, ҳойнаҳой. Гулдай умрини барги ҳазон этишга уларни нима мажбур қилдйкин? Мабодо тузоғига анойи одам илинганида борми, ошиғи олчи ўспиринлар кунли келиб қотилликка қўл урмайди деб ким айта олади? Ёшларнинг бу даражада тубан кетишлари ўз-ўзидан тугилмаган бўлса керак?

Ота-она фарзандининг қора ишидан эл ичида номус қилади, албатта. Мактаб ҳам. Чунки айнан улар бола тарбиясига беъэтибор қорашган.

Азиз ота-оналар, фарзанд сизники. Унинг ҳар томонлама — ҳам маънавий, ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан баркамол бўлиб ўсиши сизнинг бевосита бераётган тарбиянгизнинг қай томонга йўналтиришига боғлиқ. Ҳар ким экканини ўради, албатта. Қандай кўринишда бўлмасин, жиноят содир қилиндими, очилмасдан қолмайди ва айбдорлари жазоларини олишади.

Ўроз ҲАЙДАРОВ,
Қашқадарё вилояти ИИБ матбуот
гуруҳи нозир, ички хизмат катта
лейтенанти.

ЕНГИЛ ҲАЁТ ИШҚИБОЗЛАРИ

ШУ ЙИЛНИНГ 16 ноябрдан 17 ноябрга ўтар кечаси Лисунов-4 мавзеида жойлашган Ҳамза номли хўжалик ҳисобидаги маданий спорт соғломлаштириш марказига 8 нафар номаълум шахслар ниқоб кийиб олишган ҳолда ўғирликка тушибди.

Улар 2 та қоровулнинг қўл-оёқларини боғлашиб, енгил автомашиналарнинг 237 та гилдирагини юк машинасига ортишди-ю, тун қаёрида ғойиб бўлишди.

Бу ҳақда Ҳамза райони ИИБга маълум қилинди. Кўрилган чора тадбирлар натижасида босқинчилардан 2 нафари қўлга олинди. Улардан бири марказ

қоровули Б.нинг акаси бўлиб чиқди. Қолган 6 таси қидирилмоқда.

225 та гилдирак юк машинаси ҳайдовчиси 3. нинг қўшниси уйдан чиқди. Ўғирланган молларнинг баҳоси 950 минг сўмни ташкил этади.

Бу ишни очишда ЖКБ бошлиғи, милиция майори Жаҳонгир Азимов, катта оператив вакил, милиция капитани Озоджон Худойкулов ва оператив вакил, милиция лейтенанти Салоҳиддин Бобоҷоновларнинг хизмати катта.

Ҳабиб ШУКУР.



Суратда: катта терговчи, милиция подполковниги Эгамберди Қучқоров (унгда) “Ҳамза” номли хўжалик ҳисобидаги маданий спорт соғломлаштириш маркази директори Владимир Кокорев билан суҳбатлашапти.

Муаллиф олган сурат.

Оддий кашандалар чекиш излаб чайковма-чайков чопиб юрган кунларнинг бирида биз — ички ишлар вазирлигининг иктисодий жиноятларга қарши кураш бошқармаси катта оператив вакили, милиция майори Комилжон Толипов, Ўзбекистон давлат телерадиокомпаниясининг катта муҳаррири Хилола Ҳошимова ва нихоят мен — учаламиз сигаретнинг фабрикадан то харидоргача босиб ўтадиган йўлига назар ташлашга қарор қилдик. Ният сигарет олди-бердисиди кимнинг вазифаси нимадан иборат эканини аниқлаш эмас эди, ҳар ҳолда. Мақсад у (янги сигарет) муомаланинг қайси бўлишида сирганиб ташқарига чиқиб кетаяпти ёки бегона қўлга тушиб қолаяпти? — шуни аниқлаш эди. Бунга қанчалик эришдик, эришмадик, куйдагиларни ўқишда давом этаверсангиз билиб оласиз.

Хуллас, шу ишга қўл урдик. Ҳамма биладики, кейинги пайтларда пештахта деганларида сигарет турмайдиган бўлиб қолган. (Ўзимизники — арзонини назарда тутилаяпти). Йўқ-тамом вассалом. Лекин айни бир

пайтнинг ўзида ҳар қандай йўл четиди ўтирган пистафурушнинг ёнидан кам деганда ўнта "Астра" ёки "Ўзбекистон" дан топиш мумкин. Ҳали кўрт ёки чет элнинг сақичини сотиб ўтирганлар ҳақида оғиз ҳам очганимиз йўқ. Хўш, бу нарсалар уларга қаердан

Ҳа, бироқ...)

— Пахтага алмаштирилган, — дейди А. Баскакова, — ҳали нархи ҳам аниқмас, лекин жуда баянд бўлса керак...

Гап айланиб бевосита бизни қизиқтириб турган мавзуга келди. Октябр, ноябрь ойларида

бўлди. "Астра" билан "Ўзбекистон"нинг нархини оширдик.

Мана сизга хушхабар... Уларнинг нархи қанча бўлганини эса мақола чиққунча ўзингиз ҳам билиб оласиз, албатта.

Бу ердан сўнгги тўрт кунда

— Биласизларми, бизнинг ишда энг асосий қийинчилик нима? Айтсам ишонмайсизлар... гувоҳ! Ҳа, ўша иккита холис гувоҳсиз бизнинг гапимиз бир пулга қиммат, ҳеч қаерда ўтмайди. Бир марта гувоҳ бўлган киши эса қайтиб бизга

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ СИГАРЕТНИНГ

тушиб қолаяпти? Дўкондагилари эса қандай гум бўлаяпти? Бизни қийнаётган саволлар шу эди.

Хилола бир кун олдин бориб, Тошкент тамаки фабрикасидаги аҳвол билан танишиб келгач, иш-ни савдо базасидан бошлашга қарор қилдик. Шуниси ўнғай.

"Ў з о п т б а к а л е я" ассоциациясига қарашли иккинчи база савдо бўлимининг бошлиғи А. Баскакова бизни илиқ кутиб олди.

Гап орасида маълум бўлишича Болгариядан ўн вагон сигарет келган, кўпчилик шу билан овора экан (Чекувчилар энди "Болгартабак"дан чекарканмиз-да, деб хурсанд бўлишаётгандир?

белгиланган маҳсулотнинг фақат 49 фоизигина берилибди.

— Декабрда юз фоиз берамиз дейишаяпти, — кўшиб қўяди у киши.

— Кимнинг айби билан шундай бўлди? — сўрайди Комилжон ака.

— Бунга бизга сира алоқаси йўқ. Фабриканинг ҳам ўзига яраша муаммолари бўлса керак... маҳсулот тақчиллиги дегандай...

— Шу ойнинг маҳсулот тақсимотини қачон бошладиларингиз? — сўрашда давом этади Комилжон ака.

— Бешинчидан.

— Олдин-чи?

— Унғача қайта нархлаш

шаҳар районларининг қайсиси қанча маҳсулот олгани тўғрисидаги маълумотни олиб, йўлга тушдик. Комилжон аканинг маслаҳати билан Мирзо Улугбек райони Улугбек касабасининг Марказий кўпмолли дўкони томонга кетаётган эдик. Маълумотларга қараганда улар 14 яшиқ "Астра", 2 яшиқ "Ўзбекистон" олган бўлишлари керак.

Бу ерга келганимизда дўкон сотувчилари тушликка чиқиб кетишган экан. Кутишга тўғри келди.

Баҳонада Комилжон ака ўз муаммолари билан ўртоқлашиб олди:

яқинлашмайди. Нега? Чунки, ўша бир мартанинг ўзидаёқ бўлари бўлади бечоранинг. Ҳали тергов, ҳали суд чақиравергач, жонига тегиб кетади-да. Шунинг учун ҳам гувоҳ топишимиз жуда қийин. Яна бошқа томонлари ҳам бор. Айтайлик колбаса цехидан беш тонна гўштни хужжатсиз, ўғирлаб олиб чиқиб кетишаётганда ушладик. Гувоҳларимиз ҳам бор, ҳаммаси жойида, биз шу цехдаги бор маҳсулотни ҳисобдан ўтказишимиз керак, агар шу беш тонна камомад чиқса жиноий иш кўзатилади, бўлмаса йўқ. Мана шуниси жуда бўлмаган иш-да. Агар ўша жиноятчи олдинроқ

БУ ХАВФДАН САҚЛАНИНГ!

Гиёҳвандлик ижтимоий хавфли кўринишдир. Бу ҳақда қанчалик кўп гапирилмасин, уни батамом йўқотиш ҳамон мушкуллигича қолмоқда.

Наманган вилояти Поп райони ИИБ ЖҚБ бошлиғи, милиция майори Маҳмуджон Ҳакимов билан суҳбат ҳам ана шу ҳақда.

— Маҳмуджон ака, гиёҳвандликнинг олдини олиш мақсадида ўтказилаётган "Қорадори-92" операциясининг бориши қандай?

— Вилоят ИИБнинг шу йил 26 февралда ишлаб чиқилган режасига асосланиб алоҳида тадбирлар белгиланди.

Маълумки районимиз ҳудудий жиҳатдан водийда энг каттадир. Бунинг устига аксарият қисмини тоғ-қирлар ташкил этади. Бу таркибида наркотик бўлган ўсимликлар экилган жойларни аниқлашни қийинлаштиради. Шунга қарамай, октябр ойигача аниқланган 151 квадрат метр кўкноризор ва 15 квадрат метрга экилган майдондаги таряк ҳамда 20 квадрат метрдаги ёввойи наشا йўқ қилинди. Уларни эккан 11 кишидан 7 нафари жиноий жавобгарликка тортилди.

— Гиёҳвандликнинг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган ишларга тўхталсангиз.

— Мазкур жиноятларнинг олдини олиш учун шу мавзуларда 4 марта матбуот орқали чиқиш уюштирилди. 8 марта меҳнат жамоалари ва қўплаб мактабларда тушунтириш ишларини олиб бордик.

— Суҳбатимиз мавзунини мисоллар билан мустаҳкамласак.

— 27 январда Алексей Абдуладзе бошқариб бораётган Г 9166 ТН рақамли "ИЖ-2715" белгили автомашина тўхтатилган. Текширилганда ҳайдовчининг ёнидан 42 грамм қорадори топилиди.

7 февралда Янгийўлдан районимизга меҳмон бўлиб келган А. Алиеванинг сумкасида 27,9 грамм наркотик модда одинган.

Учбўлар қишлоғида М. Жўраев эса уйда 250 грамм наша сақлаган.

А. Тоҳиров деган йигит ҳовлисида 4615 туп кўкнор эккани аниқланди.

Гиёҳвандликка қарши курашда ЖҚБ ходимлари билан бир қаторда ДАН, ИЖК, ППХ, ЁСБ ва участка нозирлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Милиция ходимларидан А. Ҳамидов, Р. Хўжаев, Ў. Тожибоев, О. Ходиматов, Х. Ҳабибуллаев, Ж. Тўрабеков, Т. Исломовлар "Қорадори-92" операциясининг жонбозларидир.

— Суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош Адҳам ҲАМИДОВ.

Хоразм вилояти ИИБнинг ИЖК бўлими ходимлари савдодаги тартиббузарликларнинг олдини олиш борасида қатор ишларни амалга оширдилар. Бироқ шуларга қарамай жойларда аҳолига озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимлашда ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар юз бермоқда.

Айрим савдо ходимлари камёб молларни, озиқ-овқат маҳсулотларини яшириб, ўзларича нарх қўйиб сотмоқдалар. Натижада меҳнаткашлар бир неча ойлаб

ўзларига тегишли маҳсулотларни ололмай келишмоқда.

Қўшқўлир районидаги Газовот матлубот жамиятига қарашли I-хўжалик моллари дўконининг сотувчи мудир О. Отажонов 27 минг 739 сўмлик ана шундай молларни яшириб қўйганлиги маълум бўлди. Бу ҳам етмагандек харидорнинг 258 сўм ҳақини уриб қолганида сирини фаш этилди.

Хоразм сув қурилиш

идорасига қарашли 4-дўкон сотувчиси М. Зарипова эса 45 минг сўмлик хўжалик молларини очик савдодан беркитиб, омборда сақлаб турган.

Хонқа райони матлубот жамиятига қарашли 4-дўкон сотувчиси Ж. Раҳмонов 542 шиша "Чашма" виносини яширгани маълум бўлди.

Баъзи савдо ходимларининг ўз ўринларига таниш-билиш, ака-укаларини қўйиб


кетишларига нима дейсиз?

Дружба шаҳридаги I-гастроном сотувчиси У. Норматов ўз ўрнига укаси Б. Норматовни қўйиб кетган. Боғибек эса савдо қилаётиб, харидорни 242 сўмга алдаган.

Бундай фактни қўплаб келтириш мумкин. Лекин ҳар кимнинг ўзига инсоф бермаса қийин.

М. НАВРЎЗАЛИЕВ,
милиция лейтенанти.

САВДОДАГИ НАЙРАНГЛАР



Ичкиликбозлик яхшиликка олиб келмайди

ИЧКИЛИКБОЗЛИК мавзундан бугун ундан муҳимроқ, долзарброк, кечиктириб бўлмайдиган бошқа муаммолар устун келмоқда. Лекин шунинг айниш керакки, ичкиликбозликка эътибор бермаслик билан бу иллатни йўқотиб бўлмайди. Балки, аксинча, бу жараён, таъбир жоиз бўлса тобора газак оладикки, ҳали бу ижтимоий офатнинг ил-диэларини сугириб ташлаш учун кўп ҳаракат қилиш керак бўлади.

Газетамизда (шу йил 1 июль) ИИБ жамоат тартибининг муҳофаза қилиш бошқармаси бўлим бошлигининг ўринбосари, милиция капитани В. Ходус билан "Хушёрхона керакми? Керак!" сарлавҳаси остида суҳбат эълон қилинган бўлиб, унда хушёрхоналарнинг ночор аҳоли ҳақида гап борган эди. Кўпчилиги авария ҳолатида бўлган бинолар, чалажон автотранспорт — ичкиликбозлар сони ошиб бораётган вазиятда ана шундай манзара кўзга ташланади.

— Баҳордан бери ўтган вақт ичиде ўзгаришлар рўй берди-ми? Жиддийларини назарда тутаяпман, — сўрадим мен, бизга

таниш капитан В. Ходусдан.

— Афсуски, ижобий ўзгаришлар тўғрисида ҳеч нарсая дея олмайман, — жавоб қилар экан, оғир тин олди суҳбатдошим. — Бу давр мобайнида пойтахт вилоятида Тошкент, Ғалаба, Охангарон ва Қибрай районларидаги тўртта хушёрхона ёпилди. Районлараро қолди. Лекин масофаларнинг узоқлиги ва бензин нархининг ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг самараси унчалик катта бўлишига ишонини қийин. Демак, кўча-кўйда маст-аласт кишилар ана қўпайиб, кўпчиликнинг дилини сиёҳ қилиши турган гап.

Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш муаммоларига бўлган муносабатнинг кейинги йилларда бўшаштириб юборилганлиги қандай оқибатларга олиб келишини статистика кўрсатиб турибди. Мана, айрим маълумотлар.

Агар, мазкур йилнинг охирига келиб, туғалланган жиноий ишлар бўйича маст ҳолда содир этилган жиноятлар сони ўтган йилнинг шу

даврга нисбатан умуман республика бўйича 6,7-фоизга қисқарган бўлса, бу кўрсаткич Тошкентда 4, Фарғона водийсида 7,5 ва Жиззах вилоятида 24,5 (I) фоизга кўпайган.

Ўтган йили республикада юз берган жиноятларнинг ҳар сақизтасидан биттаси, бу йил эса ҳар ўнтасидан биттаси маст ҳолда содир этилганлиги ҳам хотиржамликка берилишга сабаб бўла олмайди. Яъни бу борада қандайдир кескин бурилиш рўй берган эмас, демак ичкиликбозлик оқибатидаги жиноятлар ҳамон кенг тарқалган.

Тошкент хушёрхоналарига маст кишиларни олиб келишга доир рақамлар қуйидагича. Уларнинг миқдори эллик мингдан ортиб кетди ва ўтган йилга нисбатдан 6,5 фоиз кўпайди.

Ичкиликнинг олдини олиш, унга барҳам бериш билан боғлиқ масалалар (булар билан асосан ички ишлар идораларининг тиб-бий хушёрхоналари шуғулланмоқда) ўз-ўзидан ҳал бўлади деб кутиб ўтириш ярамайди. Илгари синовдан ўтган иш усулларига қайтиш,

биргаликда ҳаракат қилиш лозим. Ҳокимликларнинг аспиди иш олиб бормаётган ичкиликбозликка қарши кураш комиссиялари, меҳнат жамоаларининг ролини ошириш, даволаш-меҳнат профиллакторийлари фаолиятини аввалги кўламда қайта тиклаш керак, маҳаллий Кенгашлар эса милициянинг махсус муассасалари барқорор ишлашлари учун маблаг топишлари зарур.

А. СТЕПАНОВ.

Суратларда: тиббий хушёрхона ходимлари бундай манзараларни ҳар кун кўришади. Ҳамза район ИИБ хушёрхонасининг навбатчиси, милиция сержанти Д. Темирбеков меъёридан ошириб юборган М. Азимовни ухлашга қўнандирмоқда: кўринишига қараганда С. Хушбоев бу ерда ўзини уйдагидай ҳис этаётганга ўхшайди.

Сураткаш Х. Шодиев.

гамини еб, иложини топиб қўйган бўлса-чи? Демак жазосиз қолиб кетаверади. Халиги гувоҳлар, бошқа одамлар ҳам биздан шубҳаланиб қолишаверади. Тартибни сақлаш топширилган экан, сал ҳуқуқ ҳам беришсинда. Бу муаммо ҳақида биз кўп

Хурматли журналистимиз Ислон Усмоновнинг қаламига мансуб. Унда даврлар ўзга эди. Қаричу мезонлар ҳам. Шундай қилиб ўша пайтда у киши дўконларда рангоранг сигаретларнинг туришини салбий баҳолаган эди. Чекувчиларнинг кўпайишига

Ниҳоят, бир соатлик кутиш адоғига етиб, Марказий кўпмолли дўконнинг озиқ-овқат бўлими жойлашган бино томон кетдик. Бу ерда ҳаммаёқ тинч эди. Сигарет сўрасак фахрийларнинг дўкониди бўлади, дейишди. У ерга бориб, гўшт учун навбатда турган

кўрмабди. «Бизга ҳали сигарет келгани йўқ», — деди у. Йигирма кундан буён кўпмолли дўкон директори вазифасини бажариб турган Хусниддин Султонов келди. Унинг ҳам бу масалада ҳеч нарсадан хабари йўқ экан.

Бошимиз қотди. Қайга кетиши мумкин бу зормонда?

Энди ҳайдовчини топиш керак эди. У ҳамма нарсага аниқлик киритиши мумкин. Кимдир уни излаб кетди.

Орадан ярим соат ўтиб ҳайдовчи — Фозилни топиб келишди.

— Сигарет қани?!

— Омборда.

Ҳамма ялт этиб Қайтмас акага қаради. У киши қизаргандай бўлди.

— Кеча сотувчи Ҳикматилла билан омборга туширганмиз, — изоҳлади Фозил.

Комилжон ака ундан юкнинг фактурасини сўради. У кўрсатди.

— Ие, Қайтмас ака, юкни олдим деб имзо ҳам чекиб юборган экансизку?!

— Айтдимку, олдин қўйиб юборганман, деб, — қизарди у киши.

Аниқланишича у кишининг

ишонч қогози билан Фозил юкни олиб келавераркан.

Омборга бордик. У ерда ўша, биз эрталабдан буён излаб юрган сигаретлар турарди. «Хар ҳолда етиб келибди-ку», ўйладим мен.

Омборда 50 яшчи арок ҳам бор эди. Улар юқорининг кўрсатмаси билан янги йилга олиб қўйилган экан.

Комилжон ака бу ердан майда-чуйда хатоларни кўрсатиб бергач, Қайтмас акага юзланди.

— Биз келмасак, сигареталар ўз омборингизда эканини ҳам билмай юравераркансизда-а?

— Айбдорман...

Бундан чиқариладиган хулоса шуки, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётди. Аммо, сезганингиздек тақсим ва савдода чалкашликлар бор.

Иккита саволимиз эса барибир жавобсиз қолади.

Исмоил ШОМУРОДОВ,

«Постда» мухбири.

Дарвоқе, ушбу рейд ҳақидаги эшитиришни бугун Ўзбекистон радиосининг биринчи программаси орқали соат 10.45 да тинглашингиз мумкин.

ИЗИГА ТУШДИК?

ёзаяпмиз. Ҳозирча ҳеч ким нотўғри гапираяпсан деганича йўқ. Лекин ижобий натижасининг дарағи ҳам кўринмаяпти.

Мен эса сигарет ҳақида ўйлаб кетдим. Хўп замонлар эканми-я, дўконларда хоҳлаган тусдаги сигарет чанг босиб ётарди. Кашандалар ҳам бугунгичалик кўп эмасди, назаримда. Нархи-чи, нархи? «Шунинг учун ҳам биз инқирозга юз тутдикки, — дедди олдинроқ А. Баскакова — ҳамма нарсани тийинга сотардик». Бунга унчалик ҳам қўшилмасам-да, ажойиб фикр.

Бундан уч-тўрт йил бурун «Ёш ленинчи» да бир мақола чиққан эди. Яна ўша сигарет хусусида-да.

асосий сабаб қилиб шуни кўрсатгандай бўлудди. Ўшанда ароқни йўқотиб, тажриба орттириб олган эдик-да. Хуллас, журналист орзу қилган даврлар ҳам келди. Сигарет йўқолди. Кашанда камаймади. Йўқолган пичоқнинг сопи олтидан, ахир. Бу ўртада яна бир нарсани аниқлаб олиш керак. Одамлар сигарет чиқарилгани учун чекмайди, балки одамлар чеккани учун сигарет чиқарилади. Умуман сигаретнинг йўқолиб кетишига журналистнинг фикри айбдор, демоқчи эмасман, айтмоқчиманки, бошнинг оғриғи каллани узиб ташламай тузатилади.

одамларни кўриб уялиб кетдим. Ҳа, аллақаданда йўқолиб қолган сигаретни излаб борганимизга уялиб кетдим.

Ичкарида уч йигит қуйиб-пишиб гўшт майдалаётган экан. Ҳали тушлик ҳам қилишмаганди. Эрталабдан буён шу аҳвол дейишди. Излаб келганимизни сўрадик. Декабрь ойида ҳали бирор кути ҳам олишмаган экан. Бу ёғи қандоқ бўлди?

Шу бўлим мудири келиб, ўзини Қайтмас ака, деб таништирди. Унинг гапига қараганда ҳали сигаретни кўрмабди. Аслида бу юк учун ишонч қогози олиб, уни ҳайдовчига бериб юборган экан. Уни ўзини эса кечадан буён ҳали

ҳаракати хавфсизлигини бузганлиги учун жавобгарлиқни ошириш тўғрисидаги қонунларга киритилаётган ўзгаришлар, жазо чораларининг кучайтирилиши, огоҳлантириш талонининг яна қайтадан тикланиши ҳам ўз самарасини бермоқда. Шубҳасиз, бу ўринда Давлат автомобил нazorati ходимларининг самарали иш олиб бораётганларини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Билмаган одамга ДАН ходимининг вазифаси жўн ва ташвишсиз бўлиб кўринади. Лекин аслида бундай эмас. Баъзан йигирма тўрт соатлаб ДАН ходимлари оиласи, болачақаси олдида бора олмай тик оёқда юриш айримлар ўйлагандек осон иш эмас. Бундай вазифада хизмат қилиш учун сабр-бардош, метин ирода, жисмоний етуқлик зарур. ДАН хизматида мана шундай кишилар борлиги учун ҳам бахтсиз ҳодисалар сони кундан-кунга камайиб бормоқда. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам кўришимиз мумкин.

Республикаимиз бўйича ўтган ўн ойда 12534 йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилди. Бу 1991 йилнинг ўн ойига қараганда 2821 тага кам. 1991 йилги йўл-транспорт ҳодисалари натижасида 2620 киши ҳалок бўлган бўлса, бу йил бу кўрсаткич 432 тага камайди. Автоҳалокат натижасида турли даражадаги тан жароҳати олганлар сони ҳам 2888тага озайди. Болалар бизнинг келажакимиз, уларни асраб-авайлайлик, деган қақриқ барчамиз учун таниш ва азиз. Лекин афсуски, болалар билан боғлиқ содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисалари ҳамон кўнглимизни огритмоқда.

Ўтган ўн ой давомида ана шундай 4134 ҳодиса рўй берди. (1991 йили бу кўрсаткич 4886 тани ташкил қилган эди). Натижада 602 бола ҳаётдан бевақт кўз юмди. (1991 йилда 648) 3568 бола эса тан жароҳати олди (1991 йилда 4273).

Маст ҳолда рулга ўтиришнинг ўзи жиноят. Лекин буни била туриб, ўн ой давомида 822 киши айнан шу қондабузарлик билан қўлга тушди. Буларнинг 712 нафари шахсий транспорт воситаларининг эгаларидир. Маст ҳолда рулга ўтирганларнинг 151 нафари ёруғ дунёни бевақт тарк этишди.

Қисқаси, йўл-транспорт ҳодисаларининг, айниқса, бунинг натижасида ҳалок бўлаётганлар сонининг камайиб бориши қувончлидир. Аммо уларни бундан ҳам озайтириш мумкин. Бунинг учун ҳар биримиз, бутун жамоатчилик ДАН ходимларига беминнат ёрдам кўрсатишимиз шарт. Шундагина қўзланган мақсадга эришимиз мумкин.

Мансуржон РИХСНЕВ.

ХИЗМАТЛАРИ МУНОСИБ БАҲОЛАНДИ

Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг Гуломжон Раҳимов етакчилик қилаётган экспертиза-криминалистика бўлимида самарали хизмати, мазмунли умри билан кўпларга ибрат бўла оладиган муҳтарама бир аёл борлигини кўпчилик билмас керак. Амина Енилеева ҳуқуқ-тартибот ва қонунчиликни сақлаш ишига умрини бағишлаган аёллардан биридир.

Шу ўринда уни дунёга келтирган, тарбиялаб, ўқитиб, баркамол инсон даражасига етказган улуг зотлар — оналарни ҳақида икки оғиз сўз айтмасак инсофдан бўлмас.

Дадаси Азиз Абаев 26 ёшида Улуг Ватан урушига кетди. Тўрт йил мобайнида тинимсиз қонли жангҳоқларда ажал билан юзма-юз бўлди. Юзлаб, минглаб жанговар қуролдошларини бевақт тупроққа қўйди. Аламли эди у кунлар. Йўқ, метин иродали, жипслашган халқ қаддини ҳеч ким буқолмади. Фашистлар Германияси таслим бўлди, ёвлар ер тишлаб қолди. Азиз ака 1946 йили баданида қолган жароҳатлари билан урушдан қайтди.

Уруш кўрганлар тинч-осуда ҳаётни, умрни, меҳнатни ниҳоятда қадрлашади. У ҳар кунни ётар пайтида ўтган кунларини сарҳисоб қилиб, яхши кунларни, фарзандлари камолини ўйлаган бўлса не ажаб. Афсуски, у урушда орттирган жароҳати билан ҳаётдан жуда эрта — 38 ёшида кўз юмди. Ундан 13 ёшли ўғли, урушдан кейин туғилган, ҳали чилласи ҳам чиқиб улгурмаган қизи, орден-медаллари қолди.

Онаси Марварид Абаева ҳақида қанча кўп ёзилса, таърифласа кам. Бебаҳо аёл. Бундайлар кам учрайди ҳаётда. Касби оддий ўқитувчилик. Одамийлиги, меҳнатсеварлиги, вафодорлиги, бардоши олдида бош эгасан, киши. 33 ёшида бева қолган Марварид она икки фарзандини ўйлаб, бошқа турмуш қилмади. Ўттиз-қирқ йилнинг нарисидаги қийинчиликларни, етишмовчиликларни ёшлар билмайди. Йўғонлар чўзилиб, ингичка узиладиган йиллар бўлганди. Аламини меҳнатдан олган Марварид она, ишга яраб қолган катта фарзанди Руслан отир кунлар синовига ҳам мардона бардош бера олдилар.

Ниҳоят яхши кунлар ҳам келди.

Ҳозир Марварид она 72 ёшда. Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи. 45 йиллик умри, меҳнати мактабга, болаларга сингди. Ўғли Руслан эса дорулфунунни битиргач, тиришқоқлиги, ишнинг кўзини билиши билан тез орада эл назарига тушди. Ҳозир у Бишкекдаги йирик корхоналардан бири «Киргизавтомат» заводининг директори бўлибди.

Қаҳрамонимиз — Амина Азизовна олий маълумотли, 15 йилдан буён вилоят ички ишлар бошқармасида эксперт вазифасида ишлаб келади. Бир сўз билан айтсак, ҳозир у Фарғона водийсида озиқ-овқат маҳсулотларининг ягона экспертидир. Сирдан қараганда вазифаси оддий туюлади. Бироқ у тайёрлаган ҳар бир ҳулоса қанча-қанча инсонлар тақдирини ҳал қилиши эътиборга олинса, ўта мураккабдир.

У Москвадаги илмий-тадқиқот марказларида бир неча мартаба малака ошириб қайтган, собиқ Иттифок микросида тузилган экспертлар гуруҳида қатор ҳаммуштарик давлатларида томир отган жиноятчилар тўдаси ишини ўрганишда қатнашган.

Яқинда Амина Азизовнанинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа содир бўлди. Вилотимизда хизмат сафарида бўлган республика ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-лейтенанти Зокиржон Алматов катта эксперт А. А. Енилееванинг лабораториясида бўлиб, унинг ибратли ишлари билан танишгач, бундай кадрларни рағбатлантириш зарурлигини таъкидлади ва унвонини оширишга тавсия этди. А. А. Енилееванинг елкаларида муддатидан илгари «милиция майори» унвони юлдузи порлай бошлади.

Сирожиiddин ҲАСАНОВ,

Андижон вилояти ИИБ «Садоқат» газетаси ходими.



ҲА, ДАРҲАҚИҚАТ шундай. Агар эҳтиёткорлик унутилса, йўлда юрганда озгина бўлса-да бепарволик, эътиборсизлик қилинса фалокат оёқ остидан чиқаверади. Бунга жуда кўплаб мисоллар келтириш, бу ҳақда турли мулоҳазаларни ёзиш мумкин. Мана бир мисол. Шу йилнинг 30 ноябрь кунини Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон районида эрталаб соат 10лар чамасида автоҳалокат содир бўлди. 1962 йилда туғилган Б. Боймуродов ўзининг М-67 маркали, давлат белгиси 31-95 СДБ бўлган мотоциклни бошқариб кетаётган чорраҳада Т-28 Х 4 маркали тракторга бориб уради. Натижада у оғир тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилади. Лекин шифокорлар қанча ҳаракат қилишмасин унинг ҳаётини сақлаб қола олмади. Б. Боймуродов ҳалок бўлди.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Хўш, бу ҳалокат нима учун содир бўлди? Унинг айбори ким? Автомобил назорати ходимларининг аниқлашларича, инсон ҳаёти бевақт хазон бўлган автоҳалокатда айбдор учинчи бир транспорт воситасининг ҳайдовчиси экан. Аниқроғи, ўша учинчи ҳайдовчининг масъулиятсизлиги, эътиборсизлиги, эҳтиёткорликни унутгани оқибатида бу мудҳиш воқеа рўй берган.

Б. Боймуродов ўз йўлида кетаётган пайтда қаршисидан келаётган ИЖ 2715 маркали, давлат белгиси СДМ автомашинаси йўлнинг қарама-қарши йўналишига чиқиб кетади. Уни 1965 йилда туғилган Б. Маматқулов бошқариб келаётган эди. Машина мотоциклнинг тўғри юришига ҳалакат беради. Оқибатда Б. Боймуродов тракторга бориб урилади.

Яна бир мисол. У билан танишган заҳоти фалокат оёқ остида эканлигини дарров англаб етасиз. 29 ноябрь кунини қоқ пешинда Сурхондарё вилоятининг Бойсун районида бахтсиз ҳодиса содир бўлди. 1965 йилда туғилган Б. Норқулов ўзига бириктирилган, давлат белгиси бўлмаган «ГАЗ-53» маркали автомашинани бошқариб бораётган рулни эпловмай қолди. Натижада машина ағдарилиб кетади. Кабинада Б. Норқулов билан бирга унинг хотини ва 1992 йилда туғилган ўғли ҳам бўлган. Машина ағдарилиш пайтда ўғли ҳалок бўлади. Ота-она олам-олам қувонч, чексиз орзу-ниятлар билан катта қилаётган гўдақнинг умри хазон бўлди. Эр-хотин тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилди.

Биз бугун ўша автоҳалокатларни қайта эслашимиздан мақсад, фуқароларнинг ярасини янгилашдан иборат эмас. Асло. Буларни эслашдан, қаламга олишдан бошқа мақсадимиз бор: у ҳам бўлса — йўлда юрганда керагидан ортиқ даражада бепарво бўладиган ҳайдовчиларнинг, менга бало ҳам урмайди, деб масъулиятсизлик билан иш юритадиганларнинг кўзини очиб қўйишдир. Шунингдек, бу шаввоэларга биз йўл ҳаракати қоидалари бекорга, расмийат учунгина ёзилмаганлигини, унга барча бирдек риоя этиши шартлигини эслатиб қўймоқчимиз.

Кези келганда шуни айтиш керакки, республикаимиз вилоят ва районлари автомобил йўларида содир бўлаётган турли йўл-транспорт ҳодисаларининг сони ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада камайиб бормоқда. Бунда, албатта, йўл

Саргузашт ишқибозларига

Сирли воқеалар ҳақида анча-мунча асарлар ёзиб қўйганлигига қарамай, кўпчиликка номаълум бўлиб келган Эрл Стенли Гарднер ҳимоячи Перри Мейсон тўғрисидаги биринчи романидан кейинроқ машҳур бўлиб кетди.

Перри Мейсон муаллифнинг 72 романи ва ҳикояларида яшаб келмоқда. У ўз яратувчиси каби тиним билмайди, бирорта ҳам ишни бой бермайди, фирибгарлик қилади ва пора тутқади, кўрқитади ва муштрашди, лекин доим: “Ҳимоячи мижози айбдор деган фикрни ҳаёлига ҳам келтирмаслиги шарт” дейди.

Таржимон АҲАДЖОН ШАРИПОВ.

Иштирок этувчилар:

Делла Стрит — Перри Мейсоннинг “бузилмаган ифбат”га кино билан қаровчи топишмас котибаси.

Перри Мейсон — қонун билан бекинмачоқ ўйнаган ҳолда мижозини ифбатли қизлардан, хабарсизликдан, шантаждан ва қотилликда айбланишдан ҳимоя қилади.

Жон Райсер Эддисон — бечора ва ёлғиз қиз ҳақида ғамхўрлик қилувчи киши. Универсал дўконнинг эгаси.

Вероника Дэйл — “бузилмаган ифбат” ниқоби остида бўлишнинг барча афзалликларини яхши билдирган гўзал ёш аёл.

Миссис Лаура Мэй Дэйл — ўзининг бокира қизини кутқарганлари учун миннатдорчилик билдиришга чек дафтарчаси билан келади.

Гарри Бенд — гўзал бокира қизни дайиликда айблаб, қамоққа олган полиция офицери.

Жорж Виттли Дундас — газетанинг миш-мишлар бўлимига раҳбарлик қилади.

Эрик Хенсел — қонунни бир неча марта бузган ва шантаж қилишга уринувчи шахс.

Эдгар Э. Феррел — Эддисоннинг ҳеч ким ёқтирмайдиган шериги. Ўлдирилган.

Пол Дрейк — Мейсоннинг кўз ва кулоқлари, ҳар қандай эшикни оча олади.

Леррейн Феррел — Феррелнинг беваси, эрининг ўлимига кўз ёши қилмайди.

Сержант Холкомб — Мейсоннинг энг катта душмани, ўта ўжар кимса.

Лейтенант Третт — полиция офицери, мияси ишлайди.

Мертл К. Нортран кадрлар бўлимининг мудираси, Эддисонни жонидан ортқ кўради.

Ҳакам Пол М. Китли — адолатпарварлик намунаси.

Гамильтон Брюгер — Мейсоннинг тескарис, суд залдаги рақиби.

1-БОБ

Перри Мейсоннинг ҳамма ишларидан хабардор котибаси Делла Стрит бошлигининг оромини бузди.

— Хўжайин, сизга Жон Эддисон кўнгиноқ қилаяпти. У шунчалик ҳаяжондаки, бирор нарсани тушунтиришга ҳам қодир эмас.

— Жон Райсер Эддисонми?

— Ҳа. Универсал дўконнинг хўжайини. Овозига қараганда, телефон трубкасини ражиб юборадигандай.

Мейсон трубкани кўтарди.

— Гертга айт, мана бу аппаратга уласин.

Аппарат улангач, трубкадан Эддисоннинг пулемёт овозига ўхшаш товуши янгради:

— Алло! Алло! Алло! Мейсон? Худо ҳақки, мени Мейсон билан уланг! Чақиринг уни. Гап ўта муҳим нарса ҳақида кетяпти. Мени у билан уланг. Мейсон! Мейсон? Жин урсин, Мейсон қани?

Мейсоннинг овози бу монологни бўлиб юборди:

— Хайрли тонг, мистер Эддисон.

— Мейсон?

— Ҳа.

— Ё, парвардигор! Сиз билан улашаридан умидимни узеб қўйдим. Котибалар, телефончилар ва яна аллақимлар шунчалик ҳам кўп бўладими? “Бир дақиқа кутиб туринг”, “Ҳозир айтаман”, “Ҳозир улайман”. Ўта муҳим ишим бор, кун бўйи кутиб ўтира

олмайманку. Сизга кўнгиноқ қилишга...

— Агар ишингиз шунчалик муҳим бўлса, — унинг гапини бўлди Мейсон, — яхшиси нима бўлганини тезроқ айтиб, телефон алоқасига шикоятни кейинга қолдирганингиз маъқул.

— Мейсон мен сизга бир савол

айтмасалар. Бу менга ёқмаяпти. Мейсон, бундай ишларни қандай силлиқлаш йўллари биласизми? Уни қутқаринг. Ҳақини тўлайман.

— Қизнинг исми-шарифи?

— Вероника Дэйл.

— У ҳозир қаерда?

— Шаҳар қамоқхонасида.

— У ҳақда нима биласиз?

— У дайди эмас, туппа-тузук қиз эканлигини.

— Унинг кўринишини тасвирлаб бера оласизми?

— Албатта. Кўхлик, ёш, сочлари сариқ, қомати нозик, хушбичим. Яна нима? Кийими одми, лекин анча дуруст кўринади. “Рокевэй” меҳмонхонасида тўхтаган. Ана энди тасаввур қилинг-а, полиция уни дайди деб қамаб қўйса. Жин

орасидан дайиликда айбланаётган қандайдир бокира қизни топиш лозим.

— Янада аниқроғичи, — кулди Делла Стрит. — Сиз шунчалик сирли гапираясизки, алламбало деб ўйлаш мумкин...

— Ҳа, алламбало деб ўйлаш мумкин, — унинг гапига қўшилди Мейсон.

2-БОБ

Назоратчи аёл Вероника Дэйлни учрашувлар хонасига олиб кирди. Мейсон ҳиссага олинган қизни қизиқиш билан кўздан кечириб чиқди. Унинг рўпарасида турган ёш аёл ҳақиқатан ҳам ифбатли қиз намунасидай кўринади: сочлари сариқ, юзи кўгирчоқларникидай бўлиб, ундан ҳеч қандай ифода англаш мумкин эмасди, териси нозик, қомати рисоладагидай. Фаришта қиёфаси кўпгина жиддий кишиларни ўзига ром қилади, аммо полициячининг тажрибали кўзлари кўгирчоқ мисоли бундай гўзаллик фақат жозибали тузук бўлишлигини пайқаш мумкин эди. Бир нарса аниқ: бундай қиз ҳамма вақт кўзга ташланиб туради. Унга ҳам 17, ҳам 25 ёш берса бўлаверарди.

— Салом, — у Мейсон билан дўстона саломлашди.

— Салом, — жавоб қилди Мейсон. — Менинг исмим Перри Мейсон. Мен ҳимоячиман, бу ерга сизнинг манфаатларингизни ҳимоя қилиш учун келганман.

— Гоят мамнунман. Бу ерда эканлигини қаердан билдингиз?

— Дўстим хабар қилди.

— Сизнинг дўстингизми?

— Аниқроғи, сизнинг дўстингиз.

Қиз бошини чайқади.

— Менинг дўстларим йўқ. Ҳар ҳолда, бу шаҳарда йўқ. Сўнг кўшиб қўйди: — Бу ерга яқинда келганман.

— Хўп, майли, бунинг аҳамияти йўқ. Мен сизни бу ердан олиб кетиш учун келганман. Нима воқеа юз берганини айтиб бера оласизми?

— Мен “Рокевэй” меҳмонхонасида тўхтадим. Сўнг, айланиб келиш учун кўчага чиқдим. Бир оз йўл юриб, кейин орқага қайтдим. Бошқа ишим йўқлиги учун шунчаки сайр қилиб юривдим. Лекин анави нусха келиб, нима қилиб юрганимни сўраганида, мен бу унинг иши-эмаслигини айтдим. У пальтосининг ёқасини буриб, полициячи нишонини кўрсатди. Шундай қилиб машинага чиқиб қолдим. Улар мени дайиликда айблалди.

— Ҳар ҳолда, бирор нарса қилиб юрган бўлсангиз керак-ку? — сўради Мейсон.

— Ҳеч нарса қилаётганим йўқ эди.

— Баённомада сиз кўчада ёлғиз юрганлигингиз ёзилган. Бу балки эракаларга илакишгаётган, деган шубҳа тугдириши мумкин эди. Патруль офицери шунчаки сайр қилиб юрибман деганингизни айтган. Лекин, афтидан бу жавоб уни қониқтирмаган кўринади.

— У қаерда тўхтаганлигини билмоқчи бўлди, мен ҳеч қаерда деб жавоб бердим. У қанча пулим борлигини сўради, мен бу унинг иши-эмаслигини айтдим. Шундан сўнг у мени... мен умуман шугулланмаган ишда айблади.

— Хўп, майли, — деди Мейсон.

— Мен икки юз доллар гаров пули тўлаб, сизга қўйилган айбга қарши парозилик билдирдим. Ортиқча гап-сўз бўлмайди деб ўйлайман. Агар сиз ҳақиқатан ҳам “Рокевэй” меҳмонхонасига жойлашиб, хонада нарсаларингизни қолдирган бўлсангиз, сизга нисбатан қандай даъво қилишлари мумкин?

— Ҳа, мен ҳақиқатан ҳам ўша ерга жойлашганман. Буни исботлаб беришим мумкин.

— Яхши. Сизни гаров пули эвазига қўйиб юборишади. Қамоқхона дарвозаси олдида кутаман. — Мейсон назоратчи аёлга учрашув тугганини билдириб, кўнгиноқ қилди.

Тунги навбатчилик пайтида қизни ҳиссага олган офицер Гарри Бенд ухлаб, дам олиш ўрнига ўтган кечаси қўлга олган тўрт ёки беш кишининг ишини аниқлаш билан овора бўлгани учун Мейсонни анча нохуш қабул қилди.

— Нима дейишим мумкин, — деди у норози оҳангда. — Бу оймча кўчада у ёқдан бу ёққа юрар ва фоҳишага ўхшамаса ҳам менга...бу иш билан шугулланиши мумкиндай кўринди... У менга ҳам кўзини сузди. Бу балки, жуда ҳам аниқ ибора эмасдир... Ундан нима қилаётганини сўраганимда, ҳеч нима деб жавоб қилди. Қаерга жойлашганини сўрадим, у ҳеч қаерга деди. Пули ҳам, шаҳримизда танишлари ҳам йўқ экан. У шунчаки “сайр қилаётган” эмиш. Унга нисбатан ҳеч қандай давоим йўқ эди, лекин нима иложим қолувди?!

— Нима, у эракаларга тегажорлик қилдими? — сўради Мейсон.

— Ҳа, уларга кўз ташларди, десам ҳам бўлади. Ҳолбуки, унинг олдида бирор киши келганини кўрганим йўқ. Мен уни фақат атрофдаги муҳитга мос тушмагани учунгина сўроқ қила бошладим. Унинг жавобларидан бу гўзал қиз кийин ахволга тушиб қолган-у, ундан чиқиш учун энг енгил йўлни топмоқчи деган хулоса келдим.

— У менга “Рокевэй” меҳмонхонасига жойлашганини ва сайр қилиш учунгина кўчага чиққанини айтди.

— Унда нега менга ҳам шу гапни айтмади? Мен унга меҳмонхонага қайтишни маслаҳат берардим ва ҳамма гап шу билан тугарди.

— Уни ҳақорат қилаяпсиз, нотўғри муомала қилаяпсиз деб ўйлаган.

— Шунинг учунгина тунни қамоқхонада ўтказишни афзал кўрганми? Негадир ишонгим келмаяпти. У “Рокевэй” меҳмонхонасининг яқинига ҳам йўламаган деб беш долларга гаров боғлашим мумкин. Агар ёнидан ўтган бўлса ҳам тасодифан ўтган. “Рокевэй” муҳташам меҳмонхона.

— Биз билан у ерга боришингизга тўғри келадиганга ўхшайди, — деди Мейсон.

— У ерда нима қиламан? Менинг ишларим бор. Ҳаммасини ҳакамга айтиб бераверсин.

— Агар у меҳмонхонага жойлашган туппа-тузук аёл бўлиб, сиз уни бекордан-бекорга дайиликда айблаган бўлсангиз иш судга етиб бормаслиги мумкин. Бундан ташқари, у ҳақиқатан ҳам гўзал, устига устак дўстлари ҳам бор.

— Дўстлари?

— Ҳа.

— Ишоним қийин.

— Хўш? — сўради Мейсон.

Бенд тўсатдан унга шубҳа билан қаради.

— Балки, сиз ҳам унинг дўстидирсиз? Катта ҳақ оладиган ҳуқуқшунос бундай ишга аралашаётгани бежиз эмасдир, ҳар ҳолда.

Мейсон елкасини сиқиб қўйгани, Бенд ҳуштак чалиб юборди.

— Хуллас сиз билан боришимни истайсиз, шундайми? — сўради у.

— Мен уни қамоқхонадан олиб кетаяпман, — жавоб қилди Мейсон. — У ҳозир келади. Ҳаммасига ўзингиз ишонч ҳосил қилганингиз яхши бўлади деб ўйлайман.

— Албатта, ҳаммасини текшириб кўраимиз, — норози оҳангда тўнғиллади Бенд. — Бошқа майда-чуйда нарсаларни ҳам аниқлаймиз. Мен қўлга олган ҳамма шахслар айбларига иқдор бўлишди. Нима ҳам дердик, мистер Перри Мейсон энди сизнинг ишингиз билан шугуллансак бўлар. У менга тобора галати бўлиб туюлаяпти.

— Кетдик, — деди Мейсон.

(Давоми бор).



бермоқчиман.

— Бераверинг.

— Фақат устимдан кулманг.

— Гапиринг.

— Жин урсин, сиз мен ҳақимда суюқ оймчалар билан айланишар экан-да деб ўйлашингизни истамайман! Мутлақо ундай эмас. У ажойиб қиз, жажжигина, бағоят гўзал, фариштадай покиза, бенуқсон инсон...

— Нима ҳақда сўрамоқчи эдингиз? — яна унинг гапини бўлди Мейсон.

— Мейсон сайр қилиб юрган қизни дайилар каби қамаб қўйиш мумкинми?

— Нима ҳам дея олардим, — кулди Мейсон, — жавоблар сони сомса тайёрлаш усулларидай сонсаногсиз. Ҳаммаси бўлиши мумкин.

— Ҳозир ҳазиллашадиган ахволда эмасман. Тушунсангизчи, улар ҳақиқатан ҳам бу қизни қамаб қўйишган. Жаҳлимдан гапиришга сўз тополмай қолдим! Дайиликда айблаб қамаб қўйишса! Ўйловдимки, бу атама фақат...

— Бизнинг штатимизда, — жавоб қилди Мейсон, — “дайилик” атамаси қонуншуносларимиз бошқа моддаларга киритмаган ҳамма нарсага тааллуқли. Айтайлик, бирор кишининг кўчада ҳеч қандай мақсадсиз, бунинг устига кечаси айланиб юришининг ўзи полицияларимиз учун дайиликда айблагга асос бўла олади. Шунингдек, эгаларнинг рухсатсиз омондорларга ўхшаш яшашга мўлжалланмаган биноларда ётиб юрганлар ҳам дайди ҳисобланадилар. Ёки яна...

— Лекин у қизни нега қамаб қўйишган? Унинг бунга нима даҳли бор? Галати гап-ку. Туппа тузук қизни дайиликда

урсин. Унга ёрдам бериш керак.

— Мен сизнинг номингиздан...

— Ё, парвардигор, йўқ. Мен четда туришим керак. Сиз шунчаки, ҳуқуқшунос сифатида иш кўрасиз. Борасизда унга... Унинг ҳимоячиси бўлишингизни айтасиз. Шу, кейин ишни бир амаллайсиз.

— Қандай қилиб?

— Қандай қилиб бўлса ҳам. Асосийси, у ўзини бирор нарсда гуноҳдор деб ҳисобламаслиги керак. Агар керак бўлса гаров пули беришингиз мумкин. Ишни судга олиб бормаслик ҳақида келишиб олинг. Бирор нарса ўйлаб топинг, Мейсон. Ҳар қандай майда-чуйда ишлар билан ш у р у л л а н и ш н и ёқтирмаслигингизни биламан, лекин бу арзимас иш эмас. Нимага қодир эканлигингизни бир кўрсатинг. Ҳамма харажатлар менинг ҳисобимдан, илтимос, шошилинг. Бир ўйлаб кўринг, газеталар ҳар кун эртаб кечаси юз берган жиноятлар ҳақида ёзишади. Уларнинг сони элликка яқинлашиб қолай деди. Бир кеча-кундузда-чи? Полиция босқинчиларни қидириш ўрнига ёш қизларни қамаб, уларни дайди деб тушунтирмоқда. Хўп, майли, Мейсон, гапни тугатайлик. Қамоқхонага бориб, қизни чақиринг.

— Ишга киришим учун мен сизнинг гапингизни бўлишим керак, — деди куруққина Мейсон.

— Шундай экан, яхши қолинг, мистер Эддисон.

Мейсон трубкани жойига қўйиб, Деллага қаради.

— Бугунга режалаштирилган ишлар қолдирилади. Таксига ўтириб, қамоқхонага бориш ва дайиликда айбланганларнинг рўйхатини ўрганиш керак бўлади... Аниқроғи уларнинг

ЧОРШАНБА 16 ДЕКАБРЬ ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.25 "Лагич". Телефильм. 7.50 "Мимини". Бадий фильм. 9.20 Турк тили. 9.50 "Ешлик" студияси саволларингизга жавоб беради. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика. Алгоритм ва унинг хоссалари.

18.00 Янгилар. 18.10 "Бизнинг уй". Мультифильм. 18.15 "Футбол майдонларида". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ҳукумат тадбирлари. 19.55 Лирик концерт. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 "Қутлов". Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али. 22.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 22.30 "Тонг олдиди". Бадий фильм. 2-серия. 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

"ТОШКЕНТ" СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 "Уолт Дисней таништирадиган...". Мультифильмлар тўплами. 19.20 "Спринг". 19.40 Уй-жойларни хусусийлаштириш ҳақида. 20.40 "Билим сарҳашмалари". 21.10 "Суперспорт". 21.55 Ҳамдустлик саҳнафалари. "Насриддин Бухорода" фильмининг 50 йиллигига.

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20, 19.00, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Империя". Кўп серияли телевизион бадий фильм 2-серия. 10.10 "Бизнинг мусикий клуб". 10.50 "Алломш-ботир". Мультифильм. 11.10 "Отрар сази" фольклор-этнография оркестрининг концерти. 12.00 Янгилар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 "Игорь Саввович". Уч серияли телевизион бадий фильм. 2-серия. 13.30 "Игорь юриши ҳақида қисса". Мультифильм. 13.55 "Қадрдон даштлар". Телевизион бадий фильм ("Қозоқфильм").

*

15.00 Янгилар. (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемист". 16.10 "Ен дафтар". 16.15 "Майя арис". Кўп серияли мультифильм. 17.05 Энциклопедия — куйловчи жўжа. Қозғоғистондан болалар учун кўрсатув. 17.50 "Матбуот-экспресс". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.20 Қозғоғистоннинг Давлат байрами — Республика кунига. "Бунгунги Қозғоғистон". Телеочкур. 18.40 Қозғоғистон Республикасининг Президенти Н. А. Назарбоев сўзи. 19.05 "Эдемга қайтиш". Кўп серияли телевизион бадий фильм. 19.55 Қозғоғистон санъат усталарининг концерти. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.20 "Дахлдорлик". Бадий фильм. ("Қозоқфильм"). 22.40 Телевизион танишув. Урмас Отт Михаил Горбачев билан суҳбатлашади. 23.40 Қадимий рус романларини А. Эйзен куйлайди. 24.00 Янгилар. 00.40 "Ҳамма нарсга бўлиши мумкин". 01.10 "Империя". Кўп серияли телевизион бадий фильм. 2-серия.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
8.00 Хабарлар. 8.20 Эълонлар. 8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.25 Сиеат майдонида. 9.50 "Тап-гаштакларни кўмсаб". 10.20 "Альбуцид". Ахборот-аналитик кўрсатув. 11.10 "Германия — университетлар макони". 11.40 Кундузги сеанс. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 12-серия. 12.30 Трансрэфир "Туманган". 13.15 "ТИНКО" Савдо уйи. 13.20 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.40 "Арт-обстрел".

15.00 "Бизнес: янги номлар". 16.05 "Бадабоки". Мактабга ешдаги болалар учун кўрсатув (Франция). 16.25 Ишдан бўш пайтингизда. "ТВ-ателье". 16.40 Янгилар. 16.55 Трансрэфир. "Узоқ Шарк". 17.40 Парламент хабарномаси. 17.55 Эълонлар.

*

18.00 — 22.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
22.00 Хабарлар. 22.25 "Фитиль-видео". "Кирол". 22.55 Спорт кўрсатуви. 23.00 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 23.15 Криминал хабарлар экран. 23.25 Д. Россия "Новая опера" сахнасида. 23.45 "Осойишталик № 9".

ПАЙШАНБА

17 ДЕКАБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.25 "Шермат Файзуллаев куйлайди". Фильм-концерт. 8.00 "Нотаниш ворис". Бадий фильм. 9.20 Араб тили. 9.50 "Ешлик" студияси кўрсатади. "Истебодларни излаимиз". 10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника. 11.00 "Анъана ва замон". 11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.

18.00 Янгилар. 18.00 "Мюнхгаузеннинг саргузаштлари". Мультифильм. 18.30 "Оқибатли



бўлайлик". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Ўзбекистон" телевизион киножурнали. 19.40 "Қумуш ярмои". 1 Ашгабат халқаро кинофестивали. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 "Дил номалари". Мусикий кўрсатув. 22.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 22.30 "Тонг олдиди". Бадий фильм. 2-серия. 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

"ТОШКЕНТ"

СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. "Табассум". 19.00 "Ўн йилдан сўнг...". 19.50 Мусикали танаффус. 20.00 "Пульс". Хабарлар. 20.10 "Бу оқшомда". 21.20 "Пульс". Хабарлар. 21.30 Эълонлар. "Киногитох".

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Киди-Види". 9.35 "Империя". Кўп серияли телевизион бадий фильм. 3-серия. 10.25 "Театр учрашувлари". 11.05 "Айболит ва Бармолей". Мультифильм. 11.20 "Агидель-92". Уфдада эстрада кўшиқлари энг яхши ижрочиларининг Бутунроссия танлови. 12.00 Янгилар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 "Игорь Саввович". Уч серияли телевизион бадий фильм. 3-серия. 13.30 "Аргонавтар". Мультифильм. 13.50 "Номсиз юлдуз". Телевизион бадий фильм. 1-серия (Свердловск киностудияси).

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемист". 16.10 "Ен дафтар". 16.15 "Майя арис". Кўп серияли мультифильм. 17.05 "...16 ешгача ва ундан катталар". 17.45 "Матбуот-экспресс". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. "Елловчи". Бадий фильм ("Ментор синема" киностудияси). 19.55 "Соло". 20.25 Хоккей. "Известия" газетасининг соврини учун халқаро турнир. Россия-1 — ЧСФР терма командалари. МАСК спорт саройидан олиб кўрсатилади. Биринчи танаффус (21.05)—Хайрли тун, кичкинтойлар! Иккинчи танаффус (22.00)—Янгилар. 23.00 "Ибодатхонага олиб борадиган сўқом". Телефильм. 23.35 "Исмларингиз нималарни англатади?". Танаффус пайтида (24.00) — Янгилар. 01.40 "Империя". Кўп серияли телевизион бадий фильм. 3-серия.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.50 @4 = "Асил ҳолича". 9.45 Мульти-пульти. 9.55 "Осойишталик № 9". 10.55 Кундузги сеанс. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 113-серия. 11.45 "Тап-гаштакларни кўмсаб". 12.15 "Параллеллар". 12.30 "ТИНКО" Савдо уйи. 12.35 "Дехқонларга тааллуқли масала". 12.55 Д. Россия Евгений Колобовнинг янги операсида. 13.15 "Фитиль-видео". "Кирол".

16.05 "Терминал". 16.35 "Рост" студияси. "Жониворлар театри". 1-қисм. 17.05 Янгилар. 17.20 Эълонлар. 17.25 Кипрас Мажейка. НАТОдан репортажлар. 17.55 Эълонлар.

*

18.00 — 21.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
21.00 "Осойишта уй". 21.55 Эълонлар. 22.00 Хабарлар. 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.30 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 23.00 "Осойишта уй" (давоми). 24.00 Балет-видео. Ш. Калош "Макбет". Н. Боярков сахналаштирган.

ЖУМА

18 ДЕКАБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.25 "Медео ридарлари". "Қорли чўққилар". "Бефарк бўлмайман". Телефильмлар. 8.15 "Ўзгиз ўзи қуролсиз борди". Бадий фильм. 9.30 Инглиз тили. 10.00 "Бола бошидан...". 10.40 "Саноатимиз одимлари". 11.10 "Ешлик" студияси кўрсатади. "Нишона".

18.00 Янгилар. 18.10 "Кичкинтой" устaxonаси. 18.35 "Ҳамкорлик ришталари". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Фермерлар". Телефильм. 19.40 "Фанга бағишланган умр". Академик Жўра Сандов. Видеофильм премьераси. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 "Дехқон ва замин". 22.00

йилларим". 13.50 "Дўстлик" студияси кўрсатади. "Қўлни-қўлга бериб".

Тижорат канали:

14.30 "Тараққиёт одимлари". 14.45 "Чўлда камол топганлар".

18.00 "Дайди тўтининг қайтиши". Мультифильм. 18.15 "Устоз". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.30 Таэквондо. Халқаро турнир. Санкт-Петербургдан кўрсатилади (езиб олинган). 19.50 Ўзбекистон халқ артисти Бобомурод Ҳамдамов куйлайди. 20.30 "Туркистон" ахбороти. 21.00 Ўн иккинчи қақирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси қарорлари — ҳаётга! 21.30 "Садоқат". Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева. 22.10 "Эрга термангиз, кизлар". Бадий фильм. 23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

7.00 — 14.00

18.00 — 24.00

АШГАБАД КЎРСАТАДИ

"ОРБИТА IV"

6.40, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби. 6.45 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 7.45 Эрталабки гимнастика. 7.55 Янгилар. 8.30 "Спорт-имконият". 9.00 "Марафон-15" — кичкинтойларга. 9.25 "Олтин сочмалари". Пермдан кўрсатилади. 9.55 Телефильм. 10.25 Экологик кўрсатув. 10.40 "НУЖ: эълон қилинмаган ташриф". 11.30 "Шанба кунти дастхат". 12.00 "Иш". 12.10 "Тиббиёт сиз учун". 12.50 "Олам дам олишда". 13.30 "Сиеат" студияси иштиракида АҚШнинг "Танлаш эркиниги" кўрсатувини таништилади. 5-кўрсатув. 14.15 "Матбуот-экспресс". 15.00 Янгилар. 15.20 "Хайвонот оламида". 16.35 "АБВГД ЛПД" телесериали. 9-серия. 17.05 "Кизил квадрат". 17.45 "Матадор". 18.55 "Кайт, Лумумба". Телевизион бадий фильм премьераси ("Таллинн-фильм"). 20.15 Волейбол. Россия чемпионати. Эркалар. МАСК — "Самотдор". 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.20 "Эстрада гардемаринолари. Сочдаги эстрада кўшиқлари еш ижрочиларининг I халқаро фестивали ҳақида. 22.50 Волейбол. Россия чемпионати. Эркалар. "Самотдор" — "Автомобилист". 23.20 Хоккей. "Известия" газетасининг соврини учун халқаро турнир. Канада — Россия терма командалари. 3-давр. МАСК спорт саройидан кўрсатилади. 24.00 Янгилар. 00.40 Охири киносеанс. "Алла". Бадий фильм (Россия, Польша, Исроил бирликларидаги махсулот).

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
8.00 Хабарлар. 8.20 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи. 8.50 Мульти-пульти. 9.00 "Спорт олами "Жиллетт" фирмаси нигоҳи билан. 9.30 "03" программаси. 10.00 "Плюс ўн бир" видеоканали. 11.15 Кундузги сеанс. "Шахризаданинг янги эртаклари". Бадий фильм. 1-серия.

12.20 — 16.45

ЎЗБЕКИСТОН

ТЕЛЕВИДИЕНИСИНING
"ДУСТЛИК" ВИДЕОКАНАЛИ
1. "Авлодлар". 2. "Дўстлик тароналари". 3. "Бир пиёла чой устида". 4. "Чисен" (корейс тилида). 5. "Умид" (уйғур тилида). 6. Мактаблардан дарақлар.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

16.45 "Тилла шпора". 17.15 "Бола тилдан...". 17.45 Эълонлар. 18.00 Хабарлар. 18.20 "Маски-шоу". 18.50 Чегарасиз футбол.

19.45 — 22.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
22.00 Хабарлар. 22.25 Эълонлар. 22.30 "Мутлақо махфий".

23.25 — 01.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

ЯҚШАНБА

20 ДЕКАБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Сув кетар, тош қолар". Телефильм. 7.30 Ёш хонадалар "Қамолот-90" Республика танловининг совриндори Тўлқин Хайдаров куйлайди.

8.00 "Туркистон" ахбороти. 8.30 "Қизалоқ, фильмда уйнашни хоҳлайсанми!" Бадий фильм. 9.50 "Саломат бўлинг!". 10.20 "Тошкент" студияси кўрсатади. "Мушоира". Нодира таваллудининг 200 йиллигига. 11.05 Болалар учун. Биргаликда куйлаймиз". 11.35 "Меҳр". 12.15 Ўсмирлар учун. "Тенгдошлар". 12.55 "Мўъжизакор гўзаллик сири". Телефильм. 13.20 "Дилраболар келсалар". Мусикий кўрсатув. 14.00 Тижорат канали. "Оби ҳаёт". Фарғона "Водоканал" трести ҳақида.

18.00 "Кичкинтой" студияси кўрсатади. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Чименда бир кун". Телефильм. 19.30 "Актлар ва роллар". Саида Раметова. 20.30

"Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Мархабо талантлар!". Ўзбекистон Республикаси бадий ҳаваскорлик жамоаларининг телевизион фестивали. Фарғона вилояти. 22.30 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. "Разолат". Бадий фильм. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

9.00 — 12.00 Қирғизистон телевидениесининг болалар студияси кўрсатади. Программада: "Хуш хабарлар"; "Бобок, сенинг жомогун"; "Болалар студиясининг меҳмонхонасида"; "Ҳамма, ҳаммага хайрли кун"; бадий фильм; мультифильм.

18.05 Мультифильм. 18.30 Тижорат канали. Телетомошабинларнинг талабларига биноан концерт (рус тилида). 19.00 "Ала-Тоо". 19.20 "Олтин куз". Абдрасул Осмоновнинг ижодий кечаси. 20.20 "Канизак Изаура". Кўп серияли бадий телефильм. 9-серия (рус тилида). 21.25 Қирғиз операсининг 50 йиллигига. Балет артистларининг концерти.

"ОРБИТА IV"

6.20 Кўрсатувлар тартиби. 6.25 "Рухни чиқитириш". 7.25 "Спортлото" тиражи. 7.40 "Момик думли шайтонча". Мультифильм. 7.55 Янгилар. 8.30 "Эрта сахарлаб". "Денвер — динозаврларнинг энг охиригиси". Кўп серияли мультифильм премьераси. 9.00 "Ҳозирча ҳаммаси жойида". Дам олиш кўрсатуви. 9.30 "Тонг юлдузи". 10.20 "Қора қўрқам от саргузаштлари". Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси. 23-серия. 10.45 "Янги авлод танлайди". 11.35 Кино ҳақиқатми? "Қасам". Бадий фильм (Тбилиси киностудияси, 1946 й.). "КТВ-1" ҳамда "Франс интернациональ" канали таништиради. 14.00 "Пиф ва Геркулес". Кўп серияли мультифильм премьераси. 14.10 "Қусто командасининг сувости одиссеяси". Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.

*

15.00 Янгилар. 15.15 "Саеҳатчилар клуби". 16.05 "Хунарли хор бўлмас". 16.10 "Уолт Дисней таништирадиган...". 17.00 Эфирда бевосита мулоқот. 18.00 "Панорама". Ҳафталик халқаро кўрсатув. 18.45 Янгилар. 19.00 Рухн премьераси: Оба-На-Угол! томошалари. 19.50 "Анфиса" Москва "Современник" театри фильм-спектаклининг премьераси. Л. Андреева пьесаси. 21.55 Эълонлар.

*

22.00 "Яқунлар". 22.45 "Телелояца". 23.00 "Нима? Каерда? Қачон?". 00.05 Янгилар. 00.20 Волейбол. Россия чемпионати. Эркалар. "Самотдор" — "Динамо" (Москва вилояти). 00.50 Қўл жанги бўйича Россия чемпионати. 01.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали Ригада "Киёфодош кишилар зиефати" кўрсатувини таништилади.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
8.00 Хабарлар. 8.20 Мульти-пульти. 8.30 Ҳужжатли панорама 9.20 "Калит" кўрсатуви. "1812 йил момақалдириги". 12-фильм. 9.50 "Сиз яратган бог". 10.20 "Қиролликдаги саргузашт". Қўғирчоқ мультифильм. 17-серия.

*

10.50 — 11.50

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДИЕНИСИНING
"ДУСТЛИК ВИДЕОКАНАЛИ
"Бурч" кўрсатуви.

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
11.50 Кундузги сеанс. Шахризаданинг янги эртаклари". Бадий фильм. 2-серия".

12.50 — 15.00

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДИЕНИСИНING
"ДУСТЛИК ВИДЕОКАНАЛИ
1. "Рангинкамон" (тожик тилида). 2. "Интерспорт". 3. Альфия Шакурова рақсга тушади.

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
15.00 "Дораэмон". Мультифильм премьераси (Япония). 15-серия. 15.15 "Познер ва Донахью". 15.45 "Репортер". 16.00 "Оқ қарга". 16.45 Парламент хабарномаси. 17.00 "Ҳақиқат онлари". Андрей Караулов саволларига А. Тарасов жавоб беради.

*

17.55 — 18.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.50 Стас Намин (Эс-Эн-Си) маркази таништирадиган. Голливуд классик фильмлари фестивали. 20.55 Эълонлар. 21.00 Эс-Эн-Си тунги клуби. Рок-музыка юлдузлари иштиракида мусикий фестивали. 22.00 Хабарлар.

*

22.25 — 01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

("Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз" дастуридан олинди).

ХАР ТЎҒРИДА

ХАММАСИ Еленанинг енгилтаклигидан бошланди. У бобоси А. Ковалёв билан бирга яшарди. Уни деярли ҳар куни сўраб келишар, 81 ёшли қария эса ўртоқлари-ку, деб қўя қоларди.

Бечора чол қайдан билсин шундай бўлишини?

Ноябрь ойининг ўрталари, кеч соат 11-12лар атрофи. Огаҳий кўчасида яшовчи Ковалёвнинг тинчлигини темир дарвозасининг тақиллаши бузди. Қарилик эмасми, зўра инқиллаб-синқиллаб ўрнидан турдида, ташқарига чиқди. Бу пайтда набираси уйда йўқ эди.

Чол дарвозага яқинлашиб: «Кимсан?» — деди синиқ овозда. Бунга жавобан «Очинг, биз сиз билан гаплашгани келдик. Бир нарсани ҳал қилиб олишимиз керак,» — деди ташқаридагилардан бири йўгон овозда.

— Гапларинг бўлса эртага келинлар, — деди чол ва ортига қайтди.

Шарпалар эса ўзларининг қабих ниятларини амалга оширишлари кераклигини бир-бирларига уқтирарди. Қандай бўлмасин ичкарига киришса бўлгани. У ёғи қаердан нимани олишлари ўзларига аён.

ЎЗИНГНИКИДАН КЎР

Чамаси ярим соат ўтгач, улардан бирови девор орқали ичкарига тушди. Дарвозани очдию, шерикларини ҳам ичкарига киритди. Ҳамроҳлардан бири пойлоқчиликда қолди. Иккиси эса чол ётган хона қулфини бузишга киришди. Кўп ўтмай қулф бузилди. Ковалёв ширин уйқусидан чўчиб тургач, ниқоб кийгандарнинг нима учун келганлигини билди. Икки ўғри шартта мақсадга ўтганди-да. Чолдан пул сақланадиган

шкафнинг қалитини сўрашди. Қария, қалит неварасида эканлигини айтгач, бири чолни кўтариб қўшни хонага ўтди, иккинчиси эса овертка билан шкафни буза бошлади.

Босқинчилардан бири чолни

ўлдириш кераклигини айтганда, ҳамроҳи: «Қўй бечора қари экан, яна бир-икки йил умри борми-йўқми», дея уни бу йўлдан қайтарди.

Ўғрилар шкафдан нақд 30 минг сўм пул, учта катта миқдорда пул қўйилган омонат дафтарчасини олиб қайтиб бўлишди.

Фақат эртасигагина чол бу ҳақда Шайхонтоҳур райони ИИБга хабар берди. Воқеа жойига ЖҚБ бошлиғи, милиция майори Интиқ Серикбоев ва опервакил,

милиция катта лейтенанти Эрдон Бадиловлар етиб келишди.

Дастлаб суриштирув ишлари олиб борилди. Қўни-қўшнилар суҳбатга жалб этилди. Ёнарофдагилар чолнинг невараси Елена ўзи билан бир неча мартаба бегоналарни уйига олиб келганлигини маълум қилишди. Аввал Еленадан шубҳаланишди. Сўнгра унинг таниш-билишларидан 30 нафарга яқини ИИБга келтирилиб сўроқ қилинганда ҳаммаси равшан бўлди.

Гапнинг пўсткаласини айтганда, босқинчиликни Еленанинг уйига бориб турадиган дугонаси М.нинг кўрсатмаси билан 1971 йилда туғилган А. Т. ҳамда 1970 йилда таваллуд топган К. И. лар амалга оширган эдилар.

Босқинчиларнинг яна бир шериғи ахтарилмоқда.

О. МАҲМАЮСУПОВ.

ХАНДАЛАР

ҚАЙ БИРИ ЎНГАЙ?

Ўт ўчирувчидан сўрашди:

— Сизнингча, ёнгинни машинадан сув пуркаб ўчирган ўнғайми ёки челақлаб сепибми?

— Ўчгандан кейин бориб, акт тузиш ўнғайроқ.

ШАРОИТГА МОСЛАШИШ

— Дадаси, бозор сумканинг ярмини кесиб ташлаб, кичрайтириб тик дейсизми, нега?

— Бозор шароитига мослаштириш керак.

Н. ТОҒАЕВ,

Косон шахри.

АНТИҚА ЖАРРОҲЛИК

Оғир жарроҳликдан кейин ўзига келган бемор жарроҳдан сўради:

— Доктор, мен гижжак чала оламанми?

— Албатта, чала оласиз, — юпатди жарроҳ.

— Қизик, авваллари гижжак чалишни умуман билмасдим.

ОРҚАГА ҚАЙТАЙЛИК

Мухтор дўсти Носир билан Чорвоқ денгизидан сузиб ўтмоқчи бўлишди. Соҳилга беш-олти метр қолганда ҳолдан тойган Мухтор дўстига деди:

— Қирғоққа етиб олишимизга кўзим етмаяпти. Кел, яхшиси, орқага қайта қолайлик.

М. ТИЛЛАЕВ.

БОЖХОНАДА

— Марҳамат қилиб, жомадонингизни кўрсатинг.

— Менда жомадон йўқ.

— Буниси бизни қизиқтирмайди, қонун-қоида ҳаммага баробар.

МЕН КИММАН?

— Ҳа, болакай, нега йиғлаясан?

— Ойим дадамни филсан деди. Дадам эса ойимни товуксан деб уришди. Амаки, унда мен кимман-а?

БИЗ ЕРМИДИК?

— Кўзичоқнинг қулоғига гап кирмасди, шунинг учун уни бўри еб қўйди, — деб эртагини тугатди буви.

— Агар қулоғига гап кирганида уни биз еб қўярдик-а? — сўради набира.

АНА, ЖАВОБ!

— Дада, нега шернинг калласи бунча катта?

— Панжарадан чиқиб кетмаслиги учун-да, ўғлим.

А. ҲАМИДОВ ўғирмаси.
Тошкент шахри.

ЭЪЛОН

1982 йил Тошкент Политехника институти томонидан Мавлонхўжаева Комила Анваровна номига берилган диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Янгийўл шаҳар шифохонасининг жарроҳи
РАҲМОНБЕРДИ ЖУРАЕВНИНГ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик изҳор этамиз.

Бир гуруҳ ўртоқлари номидан
Ҳакимхўжа Махамедов.

Буваамларнинг дадаси зўр мерган бўлган эканлар. Мабодо Курбонбой исмига мерган сўзи қўшиб айтимасан, анча чалкашликларга бориб, бир неча Курбонбойни овора қилишга тўғри келаркан.

БИР КУНИ ОВДА...

Буваамларнинг таъкидлашича, бутун вилоятда уларга тенг келадигани бўлмаган. Буваамлар бобомиз билан рўй берган ғаройиб воқеани сўзлаб бергандилар.

Кунларнинг бирида бобомиз овга борибди. Қулайроқ жойга ўрнашиб, ўлжасини пойлаб бошлабди. Кўп куттирмай узоқдан чиройли кийик кўринибди. У охишта юриб, ерга чўккалабди. Бобом милтигини тўғрилашга улгурмай яна бир кийикни кўриб қолибди. Ҳалиги етган кийикнинг тепасига келиб тўхтабди: Тик турганича тинмай аламлиқармиш.

Ўзида йўқ хурсанд бўлган бобом,

аввал тик турганини отаман, то етгани ўрнидан қўзғалгунча, милтигини ўқлашга улгурмаман. Кейин унисини тинчитаман, деб ҳаёл қилибди. Бироқ жониворлар анча узоқда экан. Эллиқ қадамча

сездирмай эмаклаб яқинлашибди. Яхшилаб ётвилиб, нишонга ола бошлабди. Қоқ тўғрилаб энди тепкини босаман деганда, қулоғига вишиллаган овоз чалинибди. Овоз шунчалар яқин эмишди, худди қулоғининг тешигига айтилаётганмиш. Бобомнинг қайрилиб қарашга ҳам юраги дов бермабди. Ётган жойида милтикни ушлаганча тошдай қотиб қолибди. Кўзлари ҳам ҳеч нарсани кўрмабди. Фақат ўқтин-ўқтин қулоғига вишиллаган товуш кирармиш, холос.

Шу ҳолатда қанча турганини билмабди. Кейинчалик ҳам нималар

ҳақда ўйлаганини ўйлаб ўйига етолмаган эканлар.

Бир маҳал хушига келиб қараса (ёки аввал кўриб кейин хушига келганми аниқ билмабдилар) янги туғилган кийик боласи туришга интилаётибди. Жажжи оёқчаларини ерга қўймоқчи бўларкану йиқилиб кетаётганмиш. Тик турган кийик унга ердам бермоқчидай аста бошини эгаётганмиш, у улгургунча кийикча тиз чўкиб қолаётганмиш.

Бобом манзарага маҳлиё бўларкан, уларга ўқталган милтигини кўриб, дахшатга тушибди. Наҳотки, мен жониворларнинг уволига қолмоқчи эдим-а? Сал бўлмаса дўзахий бўлай дебман-ку! Тагиннам, бегуноҳ гўдақнинг ҳаққи худо бир асрабди гуноҳ қилишдан, — дея ўзларини роса лаънатлабди.

Тўсатдан енида турган илон эсларига келиб, ўтириб қараса ҳеч нарсаси йўқмиш.

Шу-шу кийик зотига сира қурол ўқталмайдиган бўлган эканлар.

М. ИСРОЙЛОВА.

КЎП ЯШАЙ ДЕСАНГИЗ

ЯҚИН **КУНЛАРГАЧА** сифатида айтиладиган «раҳмат» у «катта раҳмат»ларнинг ўрнига «кўп яшан»ни кўпроқ ишлатардик. Кўп яшаб қўйганларга ҳам ҳеч иккиланмай «кўп яшанг»ни тилайверардик. Эндиликда-чи? Назаримда кўп яшашга бўлган эътибор, ишонч ва иштиёқлар сўна бораётгандек. Чунки 70-80га борар-бормай бандаликни бажо келтирганларнинг ёшларини эшитишимиз биланоқ «Ҳа, энди ёшларини яшаб, ошларини ошаб қўйган эканлар...» дейдиган бўлганмиз.

Гўёки ҳаётлари, ризқу насибалари ундан ортиқ бўлмагандек. Ҳаттоки, биз бундан минг йил муқаддам яшаб ўтган бобокалонимиз, тиббиёт султони Абу Али ибн Синонинг «Ҳавода чанг ва тутун заррачалари бўлмаганида одамзоднинг умри ўртача 1000 йил бўларди» дея афсуснадомат билан айтган сўзларига, қимматли маслаҳатларига ҳам бепарвомиз. Балки бизгача етиб келмаган ёки биз эшитмаган, билмаган бундай ҳикमतдан кўп ва

хўп айтилгани яна бордир. Унга эътибор берилса янада кўпроқ яшаш мумкин. Нега бизда бунга интилиш, изланиш йўқ? Наҳот, техника тараққиёти ердан кўтарилиб, осмону фалакни тутган ҳозирги замонда нафасимизни чангу тутунсиз олишнинг йўлини тополмасак? Ахир ҳозир ҳам ҳафсаласи борлар кўп яшаш мумкинлигини кўрсатишяпти-ку!

1964 йил, Анқара шаҳрида 169 ёшида ҳаёт билан видолашаётган аёл жонини узлаётиб: «Сиз эсимни кечроқ танидим, йўқса, янада кўпроқ яшашим мумкин эди», деган экан.

Кексаларимиз фарзандимнинг тўйини кўрсам, неварамнинг тўйини кўрсам дунёдан армонсиз ўтардим, деб орзу қилишди. Озарбайжонда истиқомат қилган Шерали Муслимов 1966 йилда учинчи хотинининг юз йилга тўлишини, 1973 йилда эса чевараси таваллудининг юз йиллигини нишонлаб, 168 ёшида вафот этган экан.

«Қари билганини пари билмас», деганларидек табаррук кишилар, кўпни кўрган мўйсафид

доншмандлар бор бўлган юрт мустаҳкам, осойишта ўлка ҳисобланиб келинган. Шу боисданми 1936 йилда Пекин матбуоти Хитой фуқароси Ли Чунгоннинг 256 ёшга кирганини айтиб жаҳонга жар солганди.

Бизда ҳам бундай улуг зотлар бўлса бордир. Лекин ўзимиз уларга безътиборимиз. Тўғрида, ўз жонининг қадрига етмаган ўзганинг узоқ умрини эъзозлармиди? Мен бу билан кимлариндир эмас, ўз-ўзимни қўймоқдаман, беҳуда ўтган вақтимга, хатоларимга ачинмоқдаман. Чунки қизиқиб кўрсам, узоқ умр кўришнинг ҳеч қандай сир-асрори йўқ экан. Кўп яшаганлар ҳам марому меъёр билан иш юритиб, ўз танини бошқара олишаркан, холос.

Ҳа, азизлар, кўп яшай десангиз, бепарво бўлмаган. Чунки саломатлигимиз, узоқ умр кўришимиз ўзимизгагина эмас, бутун авлодимизга, халқимизга керак.

А. ХАЛИЛОВ.

«ҚОПЛОН» ЎҒРИНИ БОСДИ

ФАРҒОНА шаҳрининг Луначарский кўчасида истиқомат қилувчи М. оиласи билан меҳмонга кетди. Бундан хабар топган Фарғона пойабзал фабрикаси ишчиси, 1972 йилда туғилган А. Д. девор ошиб ўғирликка тушди.

Дастлаб деразадан уйга кирмоқчи бўлди. Ойналарни чиқариб, темир панжарага дуч келди. У ошхона орқали уйга кирмоқчи бўлган вақтида уйни қўриқлаб турган «Қоплон» лақабли бўрибосар ит шиддат билан ўғрига ташланди ва

ёқасидан тишлаб, ерга қапиштирди. Шу ҳолда роса уч соат ўғрини босиб турди.

Хонадон соҳиблари меҳмондорчиликдан қайтиб келгач, бунга кўриб ҳангуманг бўлиб қолишди. Зудлик билан шаҳар ИИБга хабар берилди. «Қоплон» эса милиция ходимлари келгунча ўғрини «қилт» эткизмай ушлаб турди.

А. АҲМЕДОВ.

■ Кўчириб босишда «Постда» газетасидан эканлигини кўрсатиш шарт.

■ Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, оқиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

■ Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси
«Шарқ» нашриёт-матбаачилик
концерни босмахонаси.
700083, Тошкент,
Ленинград
кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 54-37-91,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул
котиб — 59-26-56, мухбирлар бўлими —
59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент, Г. Ло-
патин кўчаси, 1.